220 1 96

Илм ўзни билмакдир

# Маърифат

MA'RIFAT * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ * معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 17 январь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 4 (6701)

*1996 йил — Амир Темур йили*

## ҚУТЛУҒ САНАНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

**Вазирлар Маҳкамасида 13 январь куни буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлди.**

Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди. Йиғилишда тегишли вазирликлар, қўмиталар, идора ва ташкилотлар, ҳокимликлар раҳбарлари қатнашди.

Йиғилишда юбилей муносабати билан тарихий обидаларни таъмирлаш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг бориши, Тошкент шаҳрида «Темурийлар тарихи» давлат музейини барпо этиш, буюк соҳибқирон ҳақида бадиий фильм яратиш, халқаро илмий анжуманларга, шунингдек, ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида бўладиган «Темурийлар даврида илм-фан, маориф ва маданият равнақи» мавзуидаги ҳафталикка тайёргарлик кўриш, Амир Темур фаолиятига доир илмий, оммабоп ва бадиий асарларни нашр этиш ҳамда «Темурийлар даври маданияти ва санъати» мавзуида халқаро туристик маршрутлар очиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Ёрқин ҳаёти ва фаолияти билан инсоният тарихида ўчмас из қолдирган улуғ бобокалонимиз таваллудининг 660 йиллиги бу йил бутун дунёда кенг нишонланади. Шубҳасиз, Ватанимизда ўтказиладиган тантаналарга жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан меҳмонлар, олим ва мутахассислар ташриф буюради. Ушбу буюк санани муносиб кутиб олиш учун республикамизда кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Самарқанд шаҳрида тўққизта, Шаҳрисабзда саккизта ҳамда Қарши шаҳрида тўртта тарихий обида ва ёдгорликларда таъмирлаш тадбирлари олиб борилмоқда. Шунингдек, пойтахтимизда кўплаб қурилиш, ободонлаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Олим ва мутахассисларнинг бир қанча асарлари чоп этилди ва яна бир нечта янги асарлар, қадимий қўлёзмалар нашрдан чиқмоқда. Ҳазрат соҳибқирон тўғрисида бадиий фильм яратиш устидаги ишлар ҳам давом этмоқда. «Ўзбектуризм» миллий компанияси Амир Темур ва темурийлар даврига доир янги маршрутлар лойиҳасини ишлаб чиқди.

Юбилей тантаналари истиқлолга эришган соҳибқирон Ватани — Ўзбекистонимизни жаҳонга яна бир карра намойиш этадиган муҳим тадбир бўлади. Йиғилишда, ана шулардан келиб чиққан ҳолда, Амир Темур тўйини ўтказишга катта масъулият билан ёндошиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Кескин танқид руҳида ўтган мазкур йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарорини бажариш борасида талай ишлар қилинганига қарамай, бир қанча қурилишлар, қутлуғ қадамжо ва тарихий обидаларни таъмирлаш ва қайта таъмирлаш ишлари суръати талаб даражасида эмаслиги, бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш ҳамда мавжуд камчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш лозимлиги яна бир бор уқтирилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли вазирлик, ҳокимлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларига аниқ кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосарлари Р. Юнусов, С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

**(ЎзА).**



*Сурхондарё вилояти Денов шаҳридаги А. Навоий номли кимё-биология ва хорижий тиллар лицей-интернатининг инглиз тили фани ўқитувчиси Бибинор Тангриқулова машғулотларда ўқитишнинг турли услубларини қўллаб дарс ўтади. Кўпинча, инглиз тили фани талабларига таянган ҳолда ўғил-қизлар билан якка тартибда иш олиб боради. Айни кунда улар бу фанни жуда қизиқиб ўрганишяпти. Албатта, бу ўқитувчининг шахсий ибратига, изланувчанлигига ҳам боғлиқ.*

*— Бугунги кунда муаллим учун энг муҳим фазилат бу — касбга содиқлик, — дейди у. — Уни ҳар хил тушуниш ва кенг маънода изоҳлаш мумкин.*

*Дарҳақиқат, бунда одамларга меҳрибонлик, эътиқод ва садоқат, камтарлик фазилатлари омухталашган. Бундан ташқари, ўқитувчи таълим ва санъатни уйғунлаштира олмаса кўзлаган мақсадига эриша олмайди.*

*Суратда: «Йил ўқитувчиси-95» вилоят кўрик-танлови ғолиби Б. Тангриқулова бир соатлик дарсини сўз ўйини услуби асосида олиб бораяпти.*

**А. МАМАДАМИНОВ олган сурат.**

*«Маърифат» хабарлари*

### ЧЎЛПОН ИЖОДИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент давлат университети қошидаги С. Ҳ. Сирожиддинов номли лицей интернатда ўзбек адабиётининг буюк вакили Абдулҳамид Чўлпон ижодига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Кечада таниқли адабиётчи олим, профессор Умарали Норматов, доцентлар А. Расулов, Р. Иноғомов қатнашиб, ёзувчи ижоди билан лицей ўқувчиларини янада чуқурроқ таништирдилар. Чўлпон ижодини ўрганиш бўйича филология факультетида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларидан лицей муаллимлари ва ўқувчилари бохабар бўлишди.

### ҚАЛБЛАРДА ВАТАН ТУЙҒУСИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарлигида истеъдодли ёшларни қўллаш Улуғбек номли Ўзбекистон жамғармаси «Ватанни севмоқ иймондандир» шиори остида Термиз, Қарши, Бухоро, Фарғона, Андижон, Урганч, Нукус, Гулистон давлат университетлари ва Жиззах давлат педагогика институтида слёт йиғилишлари ўтказилди.

Ундан мақсад, ёшларнинг Ватан ҳақидаги тушунчалари қамровини кенгайтириш, ўз эл-юртидан фахрланиш, Ватаннинг юксак маданий-маънавий қадриятларини, Ватан келажаги ва истиқбол ҳақида қайғуриш туйғусини қарор топдиришдан иборат.

Йиғилишларда Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, шоир Муҳаммад Юсуф, жамғарма бош директори Исфандиёр Латипов иштирок этишди. Совриндорларга Улуғбек номли жамғарма диплом ва мукофотлари топширилди.

### «ЭЪТИҚОД» ВА «ИСТИҚЛОЛ» БЕЛЛАШУВИ

Андижон шаҳридаги 18-ўрта мактабда ҳуқуқшунослик фани бўйича «Ўзбекистонда қонуннинг устиворлигини таъминлаш» мавзуида беллашув ўтказилди. Бу беллашувда 18-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчилари «Эътиқод» командаси билан шаҳардаги Валиев номли, 19-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчилари «Истиқлол» командаси беллашдилар. Унда ўқувчилар ҳуқуқшунослик фанига оид, истиқлолга бағишланган шеър ва қўшиқларни ижро этишди. Ўқувчилар томонидан саҳна кўринишлари кенг намойиш этилди. Беллашувда 18-ўрта мактабнинг «Эътиқод» командаси ғолиб чиқди.

### 30 ҒОЛИБ ЎҚИТУВЧИ

Сурхондарё вилояти педагогларининг XVI анжумани Термиз шаҳридаги зобитлар уйида бўлиб ўтди.

Ялпи мажлисни вилоят ҳокимининг муовини М. У. Абдуллаев очиб, барчани ҳокимият номидан қутлади. Термиз давлат университети ректори, профессор Н. Й. Тураев халқ таълимини ривожлантириш ва янгилашнинг қандай самаралар беришини далиллар билан асослади. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Х. Чориев «Ҳозирги кунда таълим мазмунини яхшилаш ва такомиллаштириш муаммолари» мавзуида маъруза ўқиди. Термиз давлат университети проректори Р. Алимардонов, Денов туман халқ таълими бўлими мудири А. Жалиловларнинг маърузаларида кадрлар масаласи, бозор иқтисодиёти шароитида халқ таълими муассасаларини ҳимоялаш муаммоси кўтарилди.

Куннинг иккинчи ярмида шўъба йиғилишлари Термиз шаҳридаги 3-мактаб-гимназияда давом этди. Икки кунлик педагоглар ўқишида 30 ўқитувчи ғолиб деб топилиб, республика беллашувига тавсия этилди.

### МАКТАБ ГУЛГА БУРКАНМОҚДА

Хонқа туманидаги Бахтиёр Болтаев номли мактаб гулзорга айланди. Изланган имкон топади, деганларидек гул кўчатлари мактабнинг ўзида етиштирилаётир. Гултувак топиш муаммоси ҳам осонгина ҳал этилди. Мактабда ташкил этилган кулолчилик тўгараги аъзоларининг кучи билан сал вақт ичида 500 дона гултувак тайёрланди.

**(Ўз ва жамоатчи мухбирларимизнинг хат-хабарлари асосида тайёрланди).**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Кўчар БОБОЛОВ,**
**Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги 14-ўрта мактаб ўқитувчиси:**

***— 30 йилдан ортиқ ишлаган ўқитувчи пенсияга чиқмоқчи бўлса, унга қандай имтиёз берилади?***

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарорига асосан «Фуқароларни давлат пенсияси билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг имтиёзли шартларида кўрсатилганидек, 25 йиллик педагогик стажга эга бўлган ўқитувчилар муддатидан 5 йил олдин пенсияга чиқиши мумкин.

***— Қандай ўқитувчига олий тоифа берилади?***

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 августдаги 406-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси давлат таълим муассасаларида педагогик ходимларни аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Низомга асосан олий маълумотли, I-тоифали ўқитувчи бўлиб, камида 3 йил ишлаган, олий тоифа талабларига тўла жавоб берадиган изланувчан, ижодкор, фидойи иш тажрибаси вилоят, республика миқёсида оммалаштирилган муаллимларга олий тоифа берилади.

***— Мактаб раҳбарлари (мактаб директори, директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, директорнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари) неча соат дарс бериши мумкин?***

— Мактаб раҳбарлари бир йилда 0,5 ставка дарс беришдан ташқари, агар ўқитувчилар етишмаса, туман халқ таълими бўлими мудири рухсати билан яна қўшимча 240 соатгача дарс ўтиши мумкин. Унга ўриндошлик усулида ҳақ тўланади. Шундай қилиб мактаб раҳбарларининг бир йиллик умумий дарси 272+240 = 512 соатгача бўлиши мумкин.

---

**Бердиёр ХОЛХЎЖАЕВ,**
**Жиззах вилояти Фориш туманидаги 78-мактаб ўқитувчиси:**

***— Ўқитувчига ижодий кун бериладими?***

— Ўқитувчиларга ҳафтада бир кун ижодий методик кун берилади. Бундан кўзда тутилган мақсад ўқитувчи малака ошириш институтида, туман метод кабинетида, метод бирлашмада ва уйда ўз устида мустақил ишлаш учун имконият яратишдир. Ўқитувчи вақти-вақти билан мактаб раҳбариятига ҳисобот бериб туриши лозим.

Мабодо мактабда ўқитувчилар етишмаслиги сабабли дарс соати 28 соатдан ортиқ бўлса, у ҳолда мактаб маъмурияти ўқитувчининг дарсларини дарс жадвалида 6 кунга қўйиши мумкин.

**Саволларга Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги мутахассислари М. УСМОНОВА ва Ш. ПЎЛАТОВ жавоб берди.**

## ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИАТЛАРИ

*Ўзбекистон Давлат Фан ва техника қўмитасида мамлакат Президенти 1993 йилда аспирантлар учун таъсис этган давлат стипендиялари олиш ҳуқуқини берадиган гувоҳномаларни топшириш маросими бўлди.*

Бундай стипендияни ҳар йили ўтказиладиган танловнинг зарур талабларини бажарган ҳамда мамлакат учун устувор бўлган мустақиллик сиёсати ва бозор иқтисодиёти, қишлоқ хўжалиги, энергетика, ресурслар ва саноат, соғлиқни сақлаш ва экология, ахборот технологияси ва бошқарув йўналишларида ишлаётган ҳар қандай аспирант олиши мумкин. Танлов ғолиблари диссертацияни ёқлагандан сўнг уч йил давомида хорижий давлатларнинг илмий марказларида тадқиқотларни давом эттириш имкониятига эга бўладилар.

— Илмий салоҳият — мамлакат тараққиётини белгилаб берадиган куч, — деди маросимни очиш чоғида Давлат Фан ва техника қўмитасининг раиси академик Пўлат Ҳабибуллаев. — Илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳозир ёшлар зиммасига тушмоқда. Афсуски, сўнгги пайтда уларнинг фаоллиги пасайди. Шу сабабли давлат ёш олимларни рағбатлантириб, келгусида улардан жаҳонга миллий фанимизни муносиб равишда намойиш қила оладиган жиддий илмий асарларни кутмоқда.

*Халқ таълими вазирлигида*

### ПЕДАГОГИК ЎҚИШЛАРГА ТАРАДДУД

Республика педагогик ўқишларини ўтказиш бўйича ХТВ қошидаги ташкилий қўмитанинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Кун тартибида республика педагогик ўқишларини ўтказишга тайёргарликнинг аҳволи ва тайёргарлик ишларини такомиллаштириш бўйича ташкилий қўмита раисининг ўринбосари Б. Шоумаров ахборот берди.

У ўз сўзида педагогик ўқишларнинг вилоят босқичлари қандай ўтказилганлиги, уларда амалга оширилган ибратли ишлар, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Шунингдек, нотиқ 1996 йил 9-12 апрель кунлари ўтказиладиган Республика педагогик ўқишларига тайёргарликнинг ҳозирги аҳволи ҳақида ҳам гапириб ўтди. Ҳозиргача кўриб чиқиш учун 500 дан ортиқ турли педагогик мавзудаги маърузалар матни тақдим этилган. Наманган, Фарғона вилоятлари, Тошкент шаҳридан тавсия этилган маърузалар мавзу жиҳатдан вазирлик томонидан берилган тавсияларга тўла мос келади.

Шу билан бирга республика педагогик ўқишларига тайёргарлик бўйича амалга оширилаётган ташкилий-педагогик ишларда бир қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги ҳам таъкидланди. Чунончи, вилоятларда ўтказилган педагогик ўқишларнинг аксариятида ташкилий қўмита аъзоларининг иштироки таъминланмади.

Юқоридаги масалалар юзасидан халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев гапириб, таклифнома ва дастурий ҳужжатларни ўз вақтида тайёрлаш, шўъбалар сонини, уларнинг раҳбарлари, раҳбар ўринбосарлари, масъул котибларини белгилаб чиқиш ҳамда улар билан семинар-кенгашлар ўтказиш, барча тавсия этилган маърузаларнинг муаллифлари ҳамда мавзулари билан кўрсатиб қўйилиши ва чоп этилиши лозимлигини қайд этди.

Ташкилий қўмита йиғилишида молиявий, ташкилий ишларни ҳал этиш масалалари ҳам кўрилди. Энг яхши деб топилган маърузаларни тўплам шаклида чиқариш, маърузаларда баён қилинган педагогик ғояларни амалиётга татбиқ қилиш, педагогик ўқиш иштирокчиларини рағбатлантириш чоралари белгилаб берилди.

*Ислоҳот одимлари*

## ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

Болалар — келажагимиз ворислари. Уларни соғлом, ақлан тетик қилиб тарбиялаш, аввало оиладан бошланиб, боғчада, мактабда давом эттирилади. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтяпмиз. Янги алифбо билан таништиришни болалар боғчасидаёқ бошлаш талаб қилинади. Фарғона вилоятидаги мактабгача тарбия муассасаларида бу борадаги ишлар қай аҳволда? Қува, Риштон ва Боғдод туманларида олиб борилган текширишлар ҳақида қониқарли хулосага келиш мумкин. Риштон туманидаги «Гулбаҳор», «Юлдузча», «Зилола», Боғдод туманидаги «Қуёшча», 13-, 14- боғчаларда болаларни янги ўзбек алифбосига ўргатиш намунали ташкил этилган. Кичкинтойлар алифбонинг 29 та ҳарфини ўзлаштирганлар. Улар шу ҳарфлар асосида гап тузишни ҳам биладилар. Машғулот ўтиш учун кўргазмали ва тарқатма материаллар тайёрланган, шароитлар етарли.

Боғчаларнинг услубиёт хоналарида машғулотга оид барча жиҳозлар кўзга ташланади. Болаларни саводга ўргатиш бўйича тавсиянома ҳам тайёрланган. Унинг дастури педагогик кенгашда ишлаб чиқилиб, муҳокама қилиниб, тадбирлар белгиланган ва услубий бирлашма режасига киритилган. Ота-оналар ўртасида ўғил-қизларни алифбосиз таълимга тайёрлаш моҳияти ва унинг афзаллиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Қатор боғчаларда мактаблар билан ҳамкорликда белгиланган тадбирларга мувофиқ учрашувлар, суҳбатлар уюштирилмоқда.

Текширишда ютуқлар билан бирга айрим нуқсонлар ҳам ойнадаги доғдек кўриниб қолди. Риштондаги «Баҳор», «Пахтаой», Қувадаги «Ғунча», «Гуллола», «Ниҳол», 9-боғчаларнинг тайёрлов гуруҳларида янги алифбо ёзувини ўргатиш қониқарсиз аҳволда.

Тайёрлов гуруҳлари учун алифбосиз ўқитиш дастури ўқув йили бошида халқ таълими бўлимларида ишлаб чиқилган, лекин боғчаларнинг иш режаларига киритилмаган. Болаларни товуш ва ҳарфга ўргатиш нутқ ўстириш машғулотларида олиб борилмоқда. Билимлари синаб кўрилганда, уларнинг унли, ундош товушларни ажрата олмаслиги, нутқларида жиддий камчиликлар борлиги, бўғин, сўз, гап тузиш тартибини билмасликлари аниқланди.

Машғулотларни олиб бориш учун кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар жуда кам тайёрланган, борлари ҳам мақтарли даражада эмас.

Қува туманидаги 9-боғчада битта 7 ёшли биринчи синф ўзбошимчалик билан ташкил этилган. Бунда болаларни ўқитиш учун шароит етарли эмас. Синфда икки кишилик парталар, керакли жиҳозлар йўқ. Санитария-гигиена талабларига жавоб бермайди. Тайёрлов гуруҳида ҳам ишлар кўнгилдагидек эмас. Алифбосиз ўқитиш дастури ҳатто машғулотлар режасига ҳам киритилмаган.

Боғдод туманидаги «Бинафша» болалар боғчасида гуруҳ хоналари аянчли аҳволда. Дераза ойналари синиқ, ётоқхонанинг ташқарига очиладиган деразалари йўқ, қоронғи, гигиеник талаблар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Боғча учун зарур жиҳозлар етишмайди.

Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасининг навбатдаги хайъат йиғилишида ана шу муаммолар ҳам кўриб чиқилди. Мутасаддиларга маъмурий чоралар кўрилди, аҳволни яхшилаш тадбирлари белгиланди.

Ҳаракатда баракат, дейдилар. Мактабгача тарбия муассасаларида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганишга шароит яратиш ана шу баракатни таъминлайди. Фарғона вилояти мактабгача тарбия муассасалари ўз фаолиятларида бурилиш ясашлари керак.

**Аваз ҲАЙДАРОВ,**
**ўз мухбиримиз.**

*Тажриба, синов, натижа*

# РЕЙТИНГ — МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Кишилик тарихида мавжудликни имкони борича ўлчаб кўриш, миқдорини аниқлаш, таққослаш, кўп ёки камлиги, юксаклиги, улуғлиги, даражаси, вазни ва ҳоказо томонларини билиш учун ҳаракат қилиб келганлар. Ана шундай ҳаракатлар жараёнида буюк кашфиётлар очилган, билимлар тўпланиб, фанлар вужудга келган, инсоннинг ақл-заковати, тафаккури ўсиб, ўзи шаклланиб борган. Зероки, инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқи ҳам таққослай олиш, айниқса, вақтни ҳис этишида, уни ўлчай билишидадир.

Моддийликни таққослаш, ўлчаш табиий кўринади ва бирмунча осон тушунилади. Чунки инсоният тарихида узоқ вақт мобайнида шаклланиб келган грамм, килограмм, метр, километр, литр, киловатт, киломоль, сўм, доллар каби кўплаб бирликлар бор.

Инсон мавҳумликка эга бўлган: маънавият, санъат, тарбия, таълим каби воқеликларни ҳам таққослаш ва ўлчашни бошлаб юборган. Музика, санъат билан боғланган спортчиларнинг ҳаракатлари баҳоланаётган пайтдаги ҳис-ҳаяжонни яхши биламиз, қўйилаётган баҳоларнинг ҳаққонийлигига ишонамиз. Мактабдаги баҳолар ҳам шунга ўхшаб кетади. Чунончи, ўқитувчи «беш» баҳо олган ўқувчининг бахтиёрлигига, «икки» баҳо олган ўқувчининг қайғусига ҳам шерик.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошевнинг ривожланган мамлакатлардаги таълим тафсилотлари тўғрисидаги мақолаларини ўқиб, ўқувчиларнинг билим даражасинигина эмас, уларнинг интелектуал даражасини, тарбиясини ҳам таққослаш, ўлчаш мумкин эканлигини уқасиз. Ажабланарлиси шундаки, бунда ўқувчиларга нисбатан юксак инсонпарварлик муносабати намоён қилинади, шахсияти камситилмайди.

Демак, биз ҳам педагогиканинг дунё тан олган ютуқлари, андозаларини таълим ва тарбия бўйича ўз миллий меросимизга, тажрибаларимизга қўшган ҳолда, озод Ватанимиз учун ақлий, маънавий, жисмоний соғлом авлод тарбиялаб етказиш, яъни таълим-тарбия ишида қўллай билишимиз зарур. Чунончи, педагогика ҳам барча фанлар каби дунё донишмандлари кашф этган билимлар мажмуасидир.

Ўқувчиларнинг билимлари ва уларнинг интелектуал даражасини аниқлашда рейтинг тизимини қўллаш педагогика илмидаги буюк кашфиётлардан бири деб қаралмоқда. Бу усул, менингча, моддий дунё ўлчамларига ўхшатиб маънавий омилларни ўлчаш демакдир. Чунончи, машинанинг қиймати унинг параметрик ўлчамлари (масалан: тезлиги, кувввати, ёнилғи сарфи ва ҳакозо...) билан ҳисобланса, ўқувчи рейтингини аниқлаш ҳам маълум кўрсатгич — параметрларга асосланган бўлиши керак.

Шундай экан, оддий қишлоқ мактабимизда, ўз имкониятларимизга таяниб, миллий мафкурамизга зарар етказмаган ҳолда, аксинча, уни янада юқори поғонага кўтариш мақсадида ўқувчилар таълими ва тарбиясини аниқлашда рейтинг тизимини қўллай олишимиз мумкинми?

Мактабимизда муаллимлар жамоаси билан кенгашиб, тажриба тариқасида, дастлаб бошланғич синфларда, сўнгра юқори синфларда рейтинг системасини қўллай бошладик. Мақсад: ўқувчилар иқтидорини, қобилияти, қизиқиши, интелектуал даражасини аниқлаш; ўқувчилар ички интилишини вужудга келтириб, тарбияни такомиллаштириш. Шу ишлар тўғрисида сиз билан ҳам фикрлашмоқчимиз.

Ўқувчилар рейтинги, албатта, биз муаллимлар учун хаёлий, энг намунали (идеал) ўқувчига таққосланиб тузилса, мақсадга мувофиқдир.

Энг яхши ўқувчи сабабсиз дарс қолдирмайди. Шунинг учун ҳам биринчи кўрсатгич сифатида ўқувчининг дарсларга қатнашиши баҳоланади. Бу кўрсатгичга ўқувчининг дарс қуролларининг тахтлиги, дарсга кечикмаслик, дарсда бекор ўтирмаслик каби одатлари киради.

Ўқувчиларнинг бир ой мобайнида олган ижобий — «4» ва «5» баҳолар сонини — рейтинг системанинг иккинчи кўрсаттичи бўлгани маъқул. Ўз-ўзидан маълумки, олинган қониқарсиз баҳолар учун умумий баллар йиғиндисидан чегирилади.

Учинчи кўрсаттич — ўқувчининг мустақил ишлай олиш қобилиятини аниқлаш учун мўлжалланган бўлиб, ўқитувчи топшириғидан ташқари қўшимча мисол ва машқларни мустақил бажариб келганлигини баҳолайди.

Ўқувчининг ой мобайнида сўров дарсларида, ёзма ишлари, тест синовларидан олган баҳолари, умумий баҳолар ҳисобидан ажратилмаган ҳолда алоҳида баҳоланади. Бу — тўртинчи кўрсатгич.

Бешинчи кўрсатгичда ўқувчининг ўзи яхши кўрган бирор фан билан факультатив дарсларда, тўгаракларда ва уйида мустақил шуғулланиши, Олтинчи кўрсаттичда унинг дарсликлардан ташқари қўшимча адабиётлар ўқиши, ўз шахсий кутубхонасини ташкил этиб бориши, хуллас, китобхонлиги ҳисобга олинади.

Миллий мафкурамиз, миллий таълим тазими ёшларни одобли, ахлоқли, ватанпарвар бўлишини тақозо этади. Билимли ўқувчилар ўз навбатида тарбияли бўлгани маъқул. Бунинг учун ўқувчининг қайси хислатларини рейтинг кўрсаттич сифатида баҳолаш зарур?

Интизом, одоб, ахлоқ, хушфеъллик — бир кўрсаттич бўла олади. Айниқса, хушфеъл бўлишга интилган ўқувчининг тарбиясида қисқа вақт ичида ижобий натижалар кўринади.

Озодалик, жисмоний чиниқиб бориш кўрсаттичи тарбиянинг энг керакли шартларидан биридир. Чунончи, бундай тарбия йўли билан болаларни иззатли, ўктам, жасур, ёқимли; қизларни оқ кўнгил, иффатли бўлишга интилтирамиз.

Яна бир кўрсаттич-меҳнатсеварликни баҳолаш. Бунда ўқувчининг нафақат мактабдаги, балки ўз уйидаги, оммавий ҳашарлар вақтидаги меҳнати ҳам баҳоланиши зарур.

Табиатсеварлик. Бу кўрсатгич шартларини бажариш учун ўқувчилар ўз синф хоналарида, уйларида гуллар ўстирадилар, ҳайвонлар боқадилар, табиатга зарар етказмаслик учун ҳаракат қиладилар. Экологик қонун-қоидаларга риоя этадилар.

Ва ниҳоят, зарур кўрсатгич — ўқувчининг ижодкорлик даражасини баҳолаш. Адабиётга, шеъриятга қизиқиши, ўзи ижод қилиши, расмлар чизиши, мусиқа билан шуғулланиши, санъатга тааллуқли нарсалар ясаши, бу соҳаларда кўрик танловларда, байрамларда қатнашиши ҳисобга олиб борилади.

Юқорида баён этилган кўрсатгичлар 10 баллик тизимда баҳоланиши маъқул топилди. Чунки бу сон саноқ системамизнинг асоси, баҳолаш чегарасини кенгайтиради, ҳақиқатта яқин баҳолаш имкониятини беради. Ўқувчилар рейтинги ҳар ойда бир марта баҳоланиб, якунланиб борилиши зарур. Бу тадбир ҳафтада бир ўтказилса, синф раҳбарига бирмунча қийинчиликлар туғдиради.

Ўқувчиларнинг таълим соҳасидаги рейтингини аниқлашда йил давомида уларнинг мактаб, туман, вилоят, республика миқёсидаги фан олимпиадаларига қатнашишига ва бунда эгаллаган ўрнига алоҳида баллар берилиши керак. Жумладан, мактаб олимпиадасига қатнашган ўқувчига — 10 балл; эгаллаган совринли ўринлари учун —10, 8, 6 балл; туман олимпиадасига қатнашса — 20 балл; совринли ўринларга — 20, 18, 16 балл; вилоятда қатнашса — 50 балл; совринли ўринлар учун — 50, 40, 30 балл; республика миқёсидаги олимпиадада қатнашса —100 балл; эгаллаган совринли ўринларга —200, 180, 160 балл, йиллик умумий баллар йиғиндисига қўшилади.

Мазкур усулда таълим ва тарбиянинг натижаларини ҳисобга олиб бориш мактаб маъмурияти, синф раҳбарлари зиммасига катта вазифаларни юклайди. Ўқувчиларнинг рейтинг кўрсаттичини аниқлаш ва ҳисобга олиб боришда синф раҳбари бош ролни бажаради. Лекин, баҳолашни фақат ўз зиммасига юкламасдан, синф ўқувчилари ва синф илғорлари билан бирга олиб бориш демократик, маъқул йўлдир. Чунончи, ўқувчи ўз фаолиятига ўзи тўғри баҳо берса, бу ишда юқори самарага эришган бўламиз.

Рейтинг усулида баҳолашда ўқувчиларга нисбатан юксак инсонпарварлик муносабатида бўлиш, уларнинг қадрияти, шахсиятини пасайтирмаслик асосий шартдир. Агар ўқитувчи ортиқча «иззатталаб» бўлиб рейтинг баҳолашни «қўрқитиш» ёки ўз муносабатини намойиш қилиш учун қўлласа, бу услуб ижобий натижа бермайди. Ҳар доим, паст рейтингга эга бўлган ўқувчига ҳам унинг олдиндаги имкониятлари тўғрисида айтиб туриш керак. Рейтинг баҳолашни бир вақтнинг ўзида «иш ўйини» ҳамда энг жиддий воқелик деб тушунмоқ зарур. Бу тадбирни амалга оширишда ота-оналар билан ҳамкорлик яхши натижа беради.

Ишнинг осонроқ бажарилиши мақсадида биз ўқувчиларнинг баҳолар табелига ўхшатма кўринишдаги ҳар бир ўқувчига бир ўқув йилига мўлжалланган «Рейтинг кўрсаттич варақаси» тайёрладик...

Қисқаси, биз мактабда рейтинг усулини қўллаб, яхши натижаларга эришаяпмиз. Ҳамкасбларимиз ҳам биз танлаган усулдан фойдаланишса, улар ўғил-қизларни маълум йўналишда табақалаштириб ўқитиш, касбга йўналтириш, яхши тарбиялаш имконига эга бўладилар, деб ўйлаймиз.

**Ғайрат УМОНҚУЛОВ,**
**Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 1-ўрта мактаб директори, олий тоифали ўқитувчи.**

*Истеъдодларни ўрганамиз*

# ҚОБИЛИЯТ ЛАБОРАТОРИЯДА СИНАЛАДИ

Тошкент вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти (ТВПХМОИ) негизидаги «Болалар истеъдодининг психологияси ва психодиагностикаси» илмий-тадқиқот лабораторияси 1993 йилда ташкил этилган эди. Унга психология фанлари номзоди М. П. Бобохонова раҳбарлик қилмоқда. Лаборатория пойтахт вилояти мактабларидаги шу куннинг долзарб илмий-амалий масалаларини ҳал қилишга мўлжалланган. Истеъдодли ўқувчилар қобилиятини аниқлаш, шакллантириш ва ривожлантириш, уларнинг йўналиши ва даражасини баҳоловчи янги психологик-педагогик тестларни яратиш бу лабораториянинг бош мақсадидир. Шу боисдан бу тадқиқот марказида истеъдодли ўқувчилар билан иш олиб борувчи психологлар ва педагоглар учун амалий тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Янги психологик тестларни Марказий Осиё минтақасининг ижтимоий-маданий шароитига мослаштириш кўзда тутилмоқда.

1994 йилда лаборатория таркибига малакали педагог, психолог ва тестологлар қабул қилинди. Ҳозир улар икки асосий йўналишда иш олиб бормоқдалар.

Биринчи йўналишда — Тошкент вилояти мактабларининг 7-10-синф ўқувчиларини психодиагностик текшириш вазифаси туради. Ҳозирги кунгача вилоятнинг кўпгина туманлари Ангрен, Бекобод, Олмалиқ, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари умумтаълим мактабларидаги 3500 дан ортиқ ўқувчи текширилди.

Текшириш натижалари шуни кўрсатдики, пойтахт вилояти ўқувчилари орасида тахминан 30-35 фоиз турли йўналишдаги ўткир қобилиятга эга болалар бор.

Лабораториянинг илмий ходими С. Т. Мустафоева ва А. А. Ғаниевалар ўқувчиларни психологик текширишда, тест ўтказиш жараёнида ва натижаларга ишлов бериш босқичида фаол иштирок этишаётир.

Иккинчи йўналиш ўқувчилар истеъдодини психодиагностика қилиш воситалари ва янги услубларни ишлаб чиқишга йўналтирилган. Бу иш лабораториянинг барча ходимлари томонидан амалга оширилади. 1994 йилда нашр этилган «Истеъдодли болаларни лицей ва гимназияларга изчил танлаш услуби бўйича амалий қўлланма»си асосида иш юритилаяпти. Бу қўлланмада ўқувчилар истеъдодига нафақат психологик тест натижалари, балки болаларнинг ўқув фаолияти натижаларини инобатга олиб баҳо бериш методикаси ёритилган. У ўқувчилар истеъдодини баҳолашга изчил ёндашиш, психодиагностик текширишлар натижасининг холислиги ва ишончлилигини оширишга ёрдам беради.

Икки йил давомида Тошкент вилояти мактабларининг 300 дан зиёд педагог ва психологлари иштирок этган ўндан ортиқ илмий-амалий семинарлар ҳам ўтказилди. Семинар иштирокчилари турли хил қобилиятларнинг психологик тузилиши, ўқувчилар қобилиятлари шаклланишининг улар фаолияти билан ўзаро боғлиқлиги, психодиагностиканинг замонавий услублари, психологик ва педагогик тестларни тузиш тамойиллари, тест ўтказиш этикаси ва маданияти каби мавзуларда баҳслашишди, маълум билимларни эгаллашди.

«Тестология асослари» бўйича билимларни тарқатиш мақсадида лабораторияда 40 соат маъруза ва амалий дарсларга мўлжалланган махсус курс дастури ҳам ишлаб чиқилди.

Тошкент вилояти мактабларининг 80 дан ортиқ педагог ва психологлари тестлар классификацияси, тест тузиш тамойиллари, топшириқларга қўйиладиган талаблар, уларнинг турлари, кўриниши, шакли ва тестларни андозалаш каби мавзуларда маърузалар тинглаб, амалий машғулотларда иштирок этдилар.

«Болалар истеъдодининг психологияси ва психодиагностикаси» лабораторияси ишининг самарадорлигини таъминлашда Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи О. А. Тожиев ва ТВПХМОИ ректори Д. Ж. Маликовалар катта ёрдам бермоқдалар.

Истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ривожланишига шарт-шароит яратиш даркор. Зеро, бу ҳақда қабул қилинган махсус қарорнинг мазмун-моҳияти ҳам ана шу мақсад билан узвий боғлиқдир. Лабораториямиз бундан кейин ҳам қобилиятли ёшларни аниқлашга кенг йўл очади, уларни тарбиялаш ва истеъдодларини ривожлантиришга ёрдам беради. Зотан бу ишнинг натижаси Ватанимиз равнақини белгилайдиган омиллардандир.

**М. РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**В. ФЕФЕЛОВ,**
**Тошкент вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти илмий ходимлари.**

*Тил билган эл билар*

# ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

***Республикамизда хорижий тилларни ўқитиш масаласи бугунимизнинг энг муҳим масалаларидан биридир. Шунинг учун ҳам Халқ таълими вазирлиги бу борада кенг қамровли ўқиш-ўқитиш ишларини амалга оширмоқда. Мухбиримиз республика Таълим илмий-методика марказининг «Хорижий тиллар бўлими» мудири Туркман Очилов билан худди шу мавзуда суҳбатлашди.***

**— Туркман ака, маълумки, мустақил давлатимиз кўпгина хорижий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ҳамда маориф соҳаларида ўзаро алоқаларини кенгайтирмоқда. Бунинг учун эса хорижий тилларни чуқур биладиган мутахассислар зарур. Бу борада қилинаётган ишлар ҳақида сўзлаб берсангиз...**

— Сўнгги уч-тўрт йил ичида халқ хўжалигининг барча соҳалари каби халқ таълими соҳасида ҳам қатор ижобий ўзгаришлар бўлаётганлиги қувонарли ҳолдир. Шу жумладан, кейинги йилларда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга ҳам эътибор тубдан ўзгарди.

— Умумтаълим мактабларида, олий ўқув юртларида хорижий тиллар янги дастур асосида ўқитила бошланди. Масалан, умумтаълим мактабларининг юқори синфларида ҳафтасига бир соатдан дарс қўшиб берилган бўлса, бошланғич синфларга эса ҳафтасига икки соатдан дарс ўтишга рухсат берилди.

Чет тилларни ўқитишни давр талаби даражасида бажариш учун 1993 йили «Хорижий тиллар узлуксиз таълим Концепцияси» яратилди. Олий ўқув юртларида хорижий тилни ўқитишга ажратилган 120 соатлик дарс Концепция талабларига кўра, 340 соатга етказилди. Иқтисодиёт лицейлари, педагогика билим юртлари, олий ўқув даргоҳлари учун янги ўқув дастурлари яратилди.

**— Дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш борасида хорижий мамлакатлар билан алоқалар йўлга қўйилганми?**

— Албатта, борди-келдилар, амалий юмушлар бошланиб кетди. 1994 йилнинг 14 январида Англиянинг Британия Кенгаши билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўртасида инглиз тилини ўқитиш бўйича ўрта мактаб ўқувчиларига мўлжалланган дарсликларни яратиш тўғрисида Битим тузилди. Битимда ўрта мактабларнинг 5-11-синф ўқувчилари учун уч жилддан иборат «Инглиз тили» дарсликлари яратилиши қайд этилган. Аммо, баъзи сабабларга кўра, бу дарсликларни ёзиш ишлари бир оз кечикиб қолди.

Ундан ташқари, Германиядаги Гёте институтининг вакили Вольфганг Кайнц мана, бир йилдан бери республикамизда олмон тилини ўқитишга оид ўнлаб семинарлар ўтказяпти. Яқинда «Олмон тили дарсликларини ёзиш» мавзусида ўтказилган семинар ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, бу семинар республика Таълим илмий-методика марказининг ташаббусига асосан ташкил этилган бўлиб, унда 5-11-синф ўқувчилари учун иш дафтари ва ўқув китоби, шунингдек, олий ўқув юртларининг I-III курс талабалари учун мўлжалланган дарсликларни ҳамкорликда ёзишга келишилди. Яратиладиган дарсликлар мавжуд дарсликлардан кескин фарқ қилади. Янги дарслик — ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш ва оғзаки нутқ малакаларини ўстиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўяди. Ўзингизга яхши маълумки, шу пайтгача фойдаланилган дарсликларда ўқиш ва матнларни луғат ёрдамида таржима қилишни ўргатиш билан чегараланилар эди.

Франциянинг Халқаро педагогик маркази ҳам бизнинг мактаб ўқувчиларимиз учун «Тромполин» дарслигини инъом қилишди. Бу дарсликнинг биринчи қисми бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, ҳозирги кунда у республикамизда чоп этилди, айни пайтда мактабларга жўнатилмоқда.

**— Домла, мана сиз ўзингиз ҳам қатор дарслик ва қўлланмалар яратгансиз. Масалан, «Немис тили» дарслиги, «Немис тили ўқув қўлланмаси», «Немисча-ўзбекча луғат», мактаб ўқувчилари учун «лексик минимум», ўқув дастурлари, рисола ва илмий-методик мақолалар икки халқнинг тил ва дил риштаeasy ларини боғлашга хизмат қилмоқда. Ундан ташқари, «Хорижий тиллар узлуксиз таълим Концепцияси»нинг ҳам муаллифисиз. Агар сир бўлмаса, айтинг-чи, бу ижодий фаолиятингизда сизга нима туртки бўлган?**

— Юқорида санаб ўтилган дарслик ва қўлланмаларни яратишимга асосий сабаб давр талаби» деб жавоб берган бўлардим. Чунки шиддаткор давр ҳамиша янгиликни ва янгиланишни талаб қилади. Уз-ўзидан маълумки, собиқ СССР давридаги дарслик ва қўлланмалар эскириб, фойдаланиб бўлмайдиган, яроқсиз ҳолатга келиб қолди. Шунинг учун ҳам кейинги икки-уч йил ичида қўлимдан келганича ҳаракат қилиб, сиз юқорида санаб ўтган дарсликларни яратдим.

Кези келганда, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, «Хорижий тиллар узлуксиз таълим Концепцияси», дарслик, қўлланма луғат ва лексик минимумларни яратишимда шу соҳа мутахассиси сифатида узоқ йиллар тўплаган тажрибаларим қўл келаётир. Ундан ташқари, Москва Лингвистик университетда олиб борган «Олмон тилидаги унли товушларнинг турли темпларда ўзгариши» мавзуидаги илмий тажриба ишим, М. Торез номидаги Москва хорижий тиллар университети, Москва ва Санкт-Петербург давлат университетлари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий тадқиқот лабораторияларида дунёга машҳур Р. К. Патопова, Л. Р. Зиндер каби кўплаб олимлардан ўрганганларим ҳам бугун жуда-жуда асқотмоқда.

**— Охирги, анъанавий савол, келгуси режаларингиз?**

— Шу кунларда Германиядаги Гёте институти мутахассислари билан ҳамкорликда дарсликлар ёзиш бўйича тузиладиган Битимнинг лойиҳасини тайёрламоқдамиз. Битим имзоланиши биланоқ «Олмон тили» дарсликларини ёзиш ишлари бошлаб юборилади. Ундан сўнг худди шундай услубда инглиз, француз, испан ва шарқ тиллари бўйича ҳам дарсликларни қайта ёзишни режалаштираяпмиз.

Хуллас, истиқбол режаларимиз улкан. Бу режалар эса ёруғ юз билан жаҳонга чиқаётган Ўзбекистонимиз ёшларига хорижий тилларни чуқур ўргатиш ва илмий тадқиқ қилиш ғоялари билан йўғрилган.

**Суҳбатдош Зубайда УСМОНОВА.**



Тошкент шаҳридаги 28-ўрта мактаб қошида «Ёш рассомлар» тўгараги мунтазам ишлаб турибди. Бу тўгаракка тасвирий санъат фани ўқитувчиси Иззат Исаев раҳбарлик қилади. Яқинда тўгарак аъзолари Нодира, Навоий, Бобур ва бошқа шунга ўхшаш қадимий Туркистоннинг кўзга кўринган шоирлари картиналари асосида мактаб фойеси деворларини безаб чиқишди. Бундан ташқари, мактабда танлов асосида ёш рассомларнинг энг яхши деб топилган асарлари кўргазмаси ҳам тез-тез ташкил этилади.

Шунингдек, ушбу илм масканида «Миллий меросга ихлос» номли тарих музейи ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Музей ўқувчиларни бой ўтмиш тарихимиз билан яқиндан таништириш йўлида самарали иш олиб бормоқда.

Суратларда: 1. И. Исаев тўгарак аъзолари билан. 2. Мактабнинг тарих музейи раҳбари Муқаддас Исҳоқова музей аъзоларига янги келтирилган экспонат тарихи хусусида сўзлаб бермоқда.

**Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**



## Тахиатошдан Америкага...

Хитой Халқ республикасининг Гоуджу шаҳрида 1995 йилнинг ноябрь ойида оғир атлетика бўйича ўтказилган жаҳон биринчилиги ва олимпиада ўйинларига саралаш мусобақасида Тахиатош шаҳрида яшовчи халқаро спорт устаси Бахтиёр Нуруллаев ҳам қатнашиб қайтганди. У 76 килограммлик вазнда икки усулда жами 320 килограммлик натижага эришди ва 1996 йили июль ойида АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтказиладиган олимпиада ўйинларига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ўзбекистон терма командаси таркибидаги моҳир спортчи Бахтиёр Нуруллаевга омад ёр бўлсин!

**Ғойиб ЁҚУБОВ.**

*Муаммо, мулоҳаза, таклиф*

# ЛОҚАЙДЛИК

## ЁХУД МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ТАСАРРУФИДАГИ БОЛАЛАР МУСИҚА МАКТАБЛАРИ МУАММОЛАРИ ХУСУСИДА

Болалар мусиқа мактаблари Халқ таълими вазирлиги тизимида бўлган даврларда ҳар томонлама мусиқавий-эстетик тарбия жиҳатидан умумтаълим мактабларининг ажралмас қисми ҳисобланар эди. Лекин улар кейинроқ Маданият ишлари вазирлиги тасарруфига ўтказилдию аҳвол бутунлай ўзгарди.

Айни кунларда мазкур мусиқа мактаблари учун дастур, дарслик, қўлланма, ҳатто нота танқислиги муаммоси ҳам кўндаланг бўлиб турибди.

Барчага маълумки, нота ёзуви билан боғлиқ бўлган адабиётлар асосан «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилади. Аммо ноталар кўпроқ қўл меҳнати ёрдамида ёзилиши сабабли жуда кўплаб қўлёзмалар четда қолиб кетаяпти.

Бастакорлар томонидан БММ ўқувчилари учун янги мусиқа асарлари яратиш ҳам алоҳида муаммо. Бу хусусда, Тошкент шаҳар мусиқа ўқитувчиларининг ўқув-методик бирлашмасида бастакорлар билан ўтказилган кўпгина учрашувлар ҳам самарасизлигича қолиб кетди. Чунки бастакорлар ёзилган асарни ҳеч ким сотиб олмаётганидан доимо нолишгани-нолишган.

Чолғу асбобларининг юқори нархларда сотувга чиқарилаётганлиги айниқса ота-оналарни бироз қийнаб қўйди. Ўз фарзандининг чексиз камолини ният этса-да, мусиқа дўконига харид учун киришга баъзи ота-оналарда имконият бўлмайди.

Аммо халқимизга яхши ният ҳамиша ҳамроҳ. Мутасадди акаларимизга юқоридаги муаммоларга ижобий баҳо беришда Яратганнинг ўзи шижоат ато этишидан умидвормиз.

**Жумадилла УСМОНОВ,**
**олий тоифали ўқитувчи.**

*Ҳунар-техника билим юртларида*

# ЎРГАНМОҚНИНГ АЙБИ ЙЎҚ

Илмий-техник тараққиёт, демографик жараёнлар, бозор муносабатларига ўтиш даври мамлакатимизда ҳунар таълими тизими олдига бир қатор мураккаб муаммоларни қўймоқда. Халқ хўжалиги учун кўплаб ишбилармон ва билимли кадрлар зарур. Малакали кадрлар тайёрлаш учун эса билим юртлари мустаҳкам ва бой ўқув-моддий базага эга бўлмоғи керак. Лекин бу муаммо осонгина ҳал бўлиб қолмайди, албатта. Бунинг учун астойдил жон куйдириш, изланиш, керак бўлса, чет эл мамлакатлари тажрибасидан ўрганишимиз зарур.

Хўш, бу борада хориждаги қандай тажрибалар диққатга сазавор? Масалан, Буюк Британия давлатида ҳунар ўқув юртлари кўп мақсадга мўлжалланган залларда жойлашган бўлиб, квадрат шаклда режалаштирилган. Бу билан залларни ҳар хил трансформацияда, вертикал тўсиқларни кўчириш ҳисобига хоналарни бир неча синфларга мослаштириш имкониятлари яратилади.

АҚШ да эса янги типдаги ҳунар ўқув юртларининг истиқболли ривожлантиришнинг ҳар хил тадқиқот йўллари ишлаб чиқилади, бу эса ҳозирги замон педагогикаси, архитектураси, иқтисоди ва ижтимоий талабларига жавоб бера олади. Бу мамлакатда бошланиш даврида анъанавий услубда дарс ўтишнинг имкониятларига зид бўлган бино ичидаги ўзгарувчан тўсиқларни қўллаш, хоналарни талабга кўра ўзгартириш кўзда тутилган. Кейинчалик эса конструкция қисмларининг қимматлиги ҳисобга олиниб, кўчирма тўсиқлардан воз кечилди. Ўқув зоналарини жиҳозлар ва ускуналар билан чегаралаб қўйиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

АҚШда, айниқса, ҳунар таълими биноларининг бир қаватли функционал зоналарга бўлиниши характерлидир. Ўқув-тарбия жараёнининг энг қамровли шаклларини ташкил қилишда дарс ўтиладиган жойларни зоналаштиришга, уларга ускуналар трансформациялари ёрдамида тез ўзгартиш имкониятларини яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бизнинг фикримизча, хориждаги бундай илғор ташкилий усулларга айрим ўзгартишлар киритиб, ўз ҳунар билим юртларимизнинг ўқув-моддий базаларини шакллантиришда қўлланилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

**Р. ЖАББОРХЎЖАЕВ,**
**О. ПОХАБОВА.**

Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 19-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Гавҳар Ибодуллаева республика «Йил ўқитувчиси — 95» кўрик-танловида юқори балл тўплаб, ғолиб чиққанди ва биринчи даражали диплом билан тақдирланганди.

# Ойнаи жаҳонда ғолиблар ғолиби

Хоразм телевидениеси яқинда ғолиблар ғолиби Гавҳар Ибодуллаевага бағишланган бир соатлик кўрсатувни намойиш қилди. Моҳир ўқитувчининг республика кўрик-танловида ўтган 45 дақиқалик сермазмун дарсини минглаб хоразмлик ҳамкасблари мароқ билан кўришди, мамнун бўлишди.

Очиқ мулоқот

# МИЛЛАТНИ МАЪРИФАТ ҚУТҚАРАДИ

**Ёзувчи Нурали ҚОБУЛ билан суҳбат**

***— Нурали ака, суҳбатимиз «Маърифат» газетаси муштарийлари учун бўлаётгани боис, маърифат тушунчаси ҳақида гурунглашсак. Айтинг-чи, маърифат инсон онгига неча ёшидан бошлаб сингдирилиши лозим, деб ўйлайсиз?***

— Саволингизга қамровлироқ жавоб жоиз деб ўйлайман. Маърифатлилик аввало авлоддан-авлодга ўтадиган, чуқур билим ҳамда кўникма воситасида мустаҳкамланадиган бир эътиқодким, балки минглаб нафар олий ўқув юртларини битирган кишилар орасидан ҳам дунё ўлчовлари даражасидаги маърифатли киши учрайвермаслиги мумкин. Маълум бир Ватан, яъни макон ҳамда миллатнинг халқ бўлиб шаклланиш жараёнидаги изланишлари унинг орасидан ҳақиқий маънодаги маърифатли шахсларнинг етишиб чиқишига олиб келади.

Маърифат нуридан баҳраманд бўлмаган, ана шу нарсани англаб етмаган қавм ёки оиладан маълумотли кишилар, ҳатто академиклар ҳам чиқавериши мумкин. Бироқ, бирор бир математик тенгламани ечиш усулини ўйлаб топган киши маърифатли инсон бўлиб қолмайди. Юксак маърифатли бўлмоқлик — мукаммалликка бир баҳя қолмоқ, демакдир. Бироқ бизнинг кейинги юз эллик йиллик тарихимиз маърифатли бўлмоқлик нари турсин, одамлар учун энг оддий ҳаётий талаб — ҳатто ҳалол ва тўғри яшашга ҳам имкон қолдирмади. Нотабиий ғоялар, сохта қаҳрамонлар Ватанни тўлдириб турганда, дунёвий ҳақиқатлар ва асл маърифат ҳақида фақат хаёл суриб, таъқиб этилган адабиётларни ўқиб кун кўриш мумкин эди.

***— Оддий инсоний муносабат, муомала маданияти хусусида нима дейсиз?***

— Бу хусусда ўзимизни қанчалик андишали, шарқона одоб-ахлоққа эгамиз, дея овунтирмоқчи, нархимизни оширмоқчи бўлмайлик, шахсиятимиз, феълатворимизда нуқсонларимиз ҳам кам эмас. Рус тилида «достоинство» деган атама бор. Бу бизнинг «шон-шараф» деган сўзимизга тўғри келади. Демоқчиманки, инсон ҳар қандай шароитда ва ҳолатда ўз инсонлик шарафини, қадрини сақлаб қолмоғи шарт. Воқеа ва ҳодисаларга тўғри кўз, адолат нуқтаи назаридан ёндаша билган ва бу борада ҳақиқат манзилидан адашмаган инсон ҳақиқий маданиятли инсондир. Сиз айтган оддий инсоний муносабатларда ахлоқий меъёрларга амал қила билмаган кишилардан ҳеч нарсани кутмаса ҳам бўлади.

***— Бугунги кунда ёшларга кўрсатилаётган ишончга қандай қарайсиз? Умуман, ишончни оқлайдиган ёшлар орамизда етарлими?***

— Очиғини айтсам, эски гвардия бизда ҳамон олдинги планда. Тўғри, уларнинг тажрибаси ёшлар учун фойдали. Халқимизда каттани сақла, кичикни асра деган гап бор. Бироқ дунё тажрибасидан маълумки, катта ёшли инсонлар беихтиёр консерватив ва педант бўладилар. Улар ёши бир жойга бориб қолганда хато қилиб жазоланишдан қўрқиб, янги ва катта ишларга қўл урмоққа кўпам журъат этавермайдилар. Усиз ҳам ўтмиш тузум бу ишларни совуқ сувни ҳам пуфлаб ичадиган, кўзи кўриб турган кичик ва нотабиий ҳақиқатлардан ўзгани кўрмайдиган қилиб тарбиялаган. Ёшларимиз орасида эса соҳалар бўйича иқтидорли кишилар анчагина бўлса-да, уларнинг орасида қалбида Ватан ва халқнинг туб манфаатларини чуқур англаб етадиган, кенг маънодаги ватанпарварлар, менинг назаримда, энди вояга етмоқда. Бунинг учун, яъни истеъдодлар юзага чиқишлари учун ҳозирда кўп ишлар қилинаётир.

***— Бугунги ўқитувчи. У қандай фазилатларни ўзида мужассамлаштирган бўлмоғи лозим, сизнингча?***

— Ўқитувчининг кечаги, бугунги ёки келажакдагиси бўлмайди. Аргентина, Австралия, жумладан Ўзбекистондаги ўқитувчининг ҳам вазифаси битта. Дастлаб болаларнинг саводини чиқариш, уларга дунёвий таълимларни бериш мобайнида қўлидан келса тарбиялаш, пировардида ҳар бир ёш инсонни дунёни англаб етган, оқ-қорани ажрата оладиган киши даражасига етказишдир. Қолгани ўқитувчига эмас, ўқувчига, яъни бирор бир катта-кичик ишни амалга оширишга киришган инсоннинг ўзига, у яшаётган муҳит ва ота-онасига боғлиқ. Бу жараёнда ўқитувчининг энг улуғ вазифаси кишини ана шу мақсадлар сари боришга тайёрлаш. Унинг қалбида ҳаётга, одамларга, борлиққа нисбатан қай даражада меҳр-муҳаббат уйғота билишида. Киши қалбида болаликдан адолат, эзгулик, самимият ва олижаноблик уруғлари кўкармас экан, бундай болалардан бутун ватанчи ва миллатпарвар одамлар нари турсин, шунчаки ўртамиёна зиёлилар ҳам етишиб чиқмайди. Ахир бежизга ҳам Толстой, соддалик, эзгулик ва ҳақиқат бўлмаган жойда улуғлик ҳам йўқ, демаган.

Шогирдларини ўз орқасидан эргаштира олган муаллимгина ҳақиқий устоздир. Бунинг учун у бутун инсон бўлмоғи жоиз. Бутун инсонда эса, барча ижобий инсоний фазилатлар мужассам бўлади. Ўқувчи дарс тинглаётганда ёки ўқитувчиси билан шунчаки суҳбатлашаётганда ҳам унинг дунёқараши, фикрлашидан ҳайратланмоғи, қалбида энг олижаноб инсоний туйғулар жунбушга келмоғи лозим. Акс ҳолда ўқитувчининг ўқувчи учун кўча ёки бозорни тўлдириб юрган кишилардан фарқи қолмайди. Бу туйғу эса ёш қалбни ўкситиб, уни изланиш, интилиш ва курашдан совутади. Вужудида теран инсоний ҳис-туйғулар жўш урмаган киши бора-бора куни учун кул ташловчи оломонга қўшилиб кетади.

***— Ўқитувчиларнинг эл-улус орасидаги обрўси ёш авлод тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга молик. Шу ҳақдаги фикрларингизни билишни истардик.***

— Яқин ўтмишимизда ўқитувчининг мақоми, бундай олганда, бирмунча баланд эди. Сабаби у билан давлат ва ҳукумат ҳисоблашмаса-да, доимий назорат остида сақлар, унинг фаолияти мавжуд тузум ғояларини ўтказишдаги энг муҳим қурол эди. Сабаби, катталарни истаган йўлга солмоқ учун уларнинг жон ери — болаларини қўлда тутмоқ кўп иш берарди. Ундан ташқари уруш пайтида ҳам, ундан олдин ва кейин ҳам, қишлоғу шаҳарда бўлмасин, муаллим оладиган маоши билан кун кечира оларди. Бойиб кетмаса-да, турмуши ўтиб турарди. Чунки деҳқон ёки бошқа бир касб эгалари ҳаётида тасодифлар, етишмовчилик ва узилишлар бўлса-да, қишлоқ зиёлисининг ҳаёти бир хил кечарди. Энг муҳими, ўқитувчи маънан ва моддиятан колхоз раиси, совхоз директори ёки қишлоқ совети раисининг югурдагига айланиб қолган эди. Бу салбий ҳодисалар бизда пахта миллионларининг ортидан қувилган етмишинчи ва саксонинчи йилларга келиб оммавий тус олди. Райком секретари ёки колхоз раиси юқорининг рағбатида истаса болаларни ўқитишар, истамаса мактабни бир неча ойга ёпиб қўйишарди. Бу нарса болалар кўз ўнгида ўқитувчиликдек улуғ бир касбнинг қадрини тушириб юборган эди.

Ҳар қандай иқтисодий қийинчиликлар даврида ҳам маънавияти ва маърифатини бош планда асраб қолган миллат бутун миллатдир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, бугун «баъзи бировларнинг ҳадик олиб, эркин бозор шароитида маънавий-ахлоқий қадриятларнинг қиммати тушиб кетади, маданият иккинчи даражали нарсага айланади, деган фикрлари ўринсиз... Маънавият ва иқтисод бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб ривожланиб боради. Миллий камолат йўли мана шу». Демак, Ватан ва миллат мукаммал бўлса, у ўзига таълим-тарбия берган устозининг қадрини жойига қўя билади. Эътибор беринг, бутун дунёни, Мустафо Камол Отатурк таъбири билан айтганда, аввал ўз ақли ва сўнгра қиличи билан олган, ўз даврида пайғамбар сифатида тан олинган Амир Темурдек инсон нима учун биров билиб, биров билмайдиган, ўзи устоз деб билган Мир Саид Бараканинг оёқ тарафида ётибди? Бу оддий инсоний камтарлик Темурни фақат улуғлайди.

Биз ўқиган Жиззах шаҳридаги 8-ўрта мактабда Ўзбекистонда ягона «СССР халқ ўқитувчиси» унвонига сазовор бўлган синф раҳбаримиз Мурожжон Ҳасанов ишлардилар. Барчага баробар, адолатнинг тирик ёдгорлигига айланган бу инсонни ўқишга ҳафтада бир келадиган чўпон ўғлидан тортиб, интернатлардан ҳайдалган безори ўқувчигача, барча чин юракдан ҳурмат қиларди. Бошқа ўқитувчилар ўқувчиларга бирор ишни айтиб қилдира олмас, болалар эса Мурожжон домланинг олдига бирор хизмат буюришини истаб келишарди. Бунинг сабаби ҳурматли муаллимимиз маънан, ахлоқан, руҳан ва эътиқодан бутун, мукаммал одам эди. Демоқчиманки, ўқитувчи ўқувчи учун ҳар доим ҳақиқатнинг, эзгу ишлар ва орзуларнинг андозаси бўлмоғи керак. Акс ҳолда у, бу жабҳада катта шахсга айлана олмайди.

***— Баъзи ўқитувчи болаларга нисбатан жисмоний куч ишлатади, деб эшитаман, бунга нима дейсиз?***

— Кимга нисбатан бўлмасин, куч ишлатиш нари турсин, ҳатто уни ҳақорат этмоқ ҳам олий даражадаги маданиятсизлик, яъни жоҳилликдир. Энг даҳшатлиси, бу ожизликнинг ёрқин кўринишидир. Шахсияти бундай қусурлардан ҳоли бўлмаган кишилар бизда баъзида учрайди. Улар қунт, сабот ва мардлик билан ўз феъл-атворларидаги бу нуқсонлардан ҳоли бўлмоқлик учун курашишлари, ўзларини ўзлари ҳис-туйғу билан эмас, ақлидрок билан идора этмоқни одат қилмоқлари керак.

Шу ўринда сизга Америка ватандоши ўлароқ Истамбулда яшовчи бир юртдошимиз ҳаётида юз берган ибратли воқеани сўзлаб бермоқчиман. Юртдошимизнинг иккинчи синфда ўқувчи фарзанди ота-онанинг қонини қайнатадиган бир айб қилган чоғи, ота ўғлига «омборхонага қамаб қўяман» дея дағдаға қилибди. Ўқувчи эртасига бу гапни ўқитувчисига айтади. Шу куни тушдан кейин уйни руҳий касалликлар диспансери ходимлари босишади. Эр-хотинни олиб кетиб ярим кун текширишади ва ҳар ойда шу диспансердан текширувдан ўтиб туришларини қатъий тайинлашади. Сўнгра текширув ҳар кварталга кўчирилади.

— Туркияга кўчиб келиб, бу ташвишдан қутулдик, — дея ҳазиллашади дўстимиз. — Бироқ компьютерда бу ножўя хатти-ҳаракатимиз қайд этилган бўлиб, ҳисобга олинади.

Мана, сиз айтган ишга жаҳоннинг ривожланган давлатларидаги муносабат.

***— Сиз ҳам ўқитувчи бўлгансиз. Қайси фанлардан дарс бергансиз? Ўқувчилар билан муносабатингиз қандай бўлган?***

— Дастлаб пионер вожатий бўлганман. Сиртдан ўқиганлигим учун иш фаолиятимни жуда эрта бошлашга тўғри келган. Катта синф ўқувчилари орасида мен билан ёши тенг болалар ҳам бор эди. Сўнгра бошланғич синфларга рус тилидан, ўрта синфларга тарих ва юқори синфларга органик ҳамда анорганик химиядан дарс берардим. Ёш бўлганим туфайли болаларга мени катта ёшли ўқитувчилардек қабул қилинг, дегандек ҳаракат қилишни хаёлга ҳам келтирмас эдим. Мен учун улар билан гаплашишнинг бирдан-бир йўли ўзимни уларга теппа-тенг , дўст тутиш эди. Бу менга қанчалик ҳузур бағишласа, уларга ҳам чексиз қувонч бахш этарди.

***— Ёзувчилик билан ўқитувчиликни бир-бирига боғлаб турадиган вазифа — инсон тарбияси. Комил инсон тарбияси нимадан бошланади, деб ўйлайсиз?***

— Комил инсон тарбияси — шу инсон яшаётган маконда шундай инсонлар етишиб чиқадиган муҳитни яратишдан бошланади. Шу ўринда яна бироз лирик чекиниш қилишга тўғри келади. Йигирма йил бурунги давримизни эсланг. Биронта ақлли, истеъдодли киши етишиб чиқиб, бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга ўз муносабатини билдирмоқчи бўлиб кўрсин эди, нима қилардик. Уни ўзимиз ясаган ва ўз ақлимиз даражасидаги қолипга солар эдикда, қараб кўрардик. Оёғи узун келса, оёғини, боши чиқиб қолса, бошини кесардик. Хўш, шундай шароитда комил шахслар етишиб чиқиши мумкинмиди?

Комил инсоннинг комиллиги унинг ҳақиқатга садоқатининг даражаси билан ўлчанади. Жумладан халқнинг маънавий бутунлиги ҳам.

***— Тарбиявий аҳамиятга эга бўлган «Ватандин яхши ёр ўлмас» китобингиз биринчи китоб сифатида чоп этилди. Ушбу китобнинг иккинчисини ўқувчилар қачон ўқишлари мумкин?***

— «Ватан, миллат, ҳақиқат» дея аталувчи иккинчи китоб ҳам чиқиб қолар. Узр, шу ўринда бир миллий қусуримизни ҳам айтиб ўтсам. Баъзиларимиз табиатан бошга қорин қайғуси тушганда Қуръонни ҳам токчага қўйиб қўядиган қавмлар сирасига кирамиз.

***— Мамлакатимиз маорифчиларига айтадиган қандай истакларингиз бор?***

— Ҳар ҳолда, чўпон яхши ишламаса, бир кило гўштни, деҳқон астойдил меҳнат қилмаса, бир бурда нонни кам еишимиз мумкин. Ва бунга чидаса бўлади. Бироқ, миллатнинг маънавий-маърифий баркамоллигини таъминлайдиган маорифчиларимиздек инсонлар кўнгилдагидек ишламасалар халқ маънавий етимлашаверади ва буни ҳеч қачон, ҳеч нима тўлдириб бўлмайди. Мавжуд қийинчиликларга чидаб, Ватан ва миллат келажаги учун изтироб чекиб ишлаётган устозларимиз олдида фақат таъзим этиш керак.

***— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!***

**Суҳбатдош**
**Икром ИСКАНДАР.**

*Мактабгача тарбия муассасаларида*



## ҲАМ ЎЙИН, ҲАМ БИЛИМ

**Пастдарғом туманидаги «Капалак» болалар боғчасида 160 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Боғча хоналари бўйлаб юраркансиз, ўзингизни гўё эртаклар оламига кириб қолгандек ҳис этасиз. Дид билан чизилган эртаклар қаҳрамонлари расмлари, софлик бахш этиб турган тувакларданги гулларни кўриб кўнглингиз яйрайди.**

**— Бола масканимиз остонасидан хатлаганданоқ бу ердаги ҳар бир нарса, ҳар бир гап унинг диққат эътиборида бўлади. Айниқса, болага кўргазмали воситалар ёрдамида тарбия ҳамда таълим бериш зарур, — деди боғча мудираси Нигора Саъдинова. — Шунинг учун гуруҳларда олиб бориладиган ҳар бир машғулот тарбияланувчилар ёшига мос равишда ўйин орқали билим ҳам бериб боришга йўналтирилган.**

**Биз гуруҳларда бўлиб, машғулотларни кузатганимизда болакайлар турли ўйинчоқлар ёрдамида ҳам ўйнаб, ҳам алифбо, математика, мусиқа фанларининг илк сирларини ўрганишаётган экан. Тарбиячилар О. Ашрафуддинова, А. Ғуломова, М. Ниёзовалар уларга бош-қош. Айниқса, мусиқачи Сайфулла Камоловнинг машғулотлари жажжиларнинг жону дили. Улар болаларбоп қўшиқлар ижро этиш баробарида, давлатимиз мадҳиясини ҳам жўр овозда, ғурур билан куйлашни ҳам ўрганиб олишган.**

**А. МАВЛОНОВ.**

**СУРАТЛАРДА: боғча ҳаётидан лавҳалар.**

**Суратлар муаллифники.**



## ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика илмий текшириш институтига қарашли боғча тарбияланувчиларига янги йилдан бошлаб инглиз ва рус тиллари ўргатила бошланди.

— Машғулотлар катта гуруҳ ва тайёрлов гуруҳларида ҳафтада икки марта ўтиляпти, — дейди боғча мудираси Мактубахон Рахметова.

— Тил билган эл билади, дейишади. Хорижий тилларда бемалол мулоқот қила олиш фарзандларимиз учун ҳам, биз учун ҳам чексиз ифтихордир. Болажонларимизга икки тилни ўргатишдан ташқари, уларнинг нутқий бойлигини ошириб ва маънавий онгини шакллантириб бориш мақсадида ўзлигини таниш, ўз миллати тарихини билиши учун кўпроқ бадиий адабиётларга мурожаат қиляпмиз. Ҳамда буюк олимларимиз, саркардаларимиз ҳаёти ҳақидаги ҳикоядан машғулот пайтида ўқиб, сўзлаб беріляпти, — дейди мудира ўз сўзида.

Чиндан ҳам тадбиркорлик ҳар бир инсоннинг ўз қўлида. Мудира Мактубахон Рахметова яқинда ишга келган бўлса ҳам боғчада анча янгиликлар киритиб, тарбиявий ишларни жонлантирмоқда. Бундан ташқари Республика таълим-илмий-методика маркази томонидан тайёрланган «Болалар боғчалари учун дастурлар» қўлланмасига ижодий ёндошган ҳолда яхши самара берувчи янги услубларни қўллаш борасида фидойиларча ҳаракат қилаётир.

**Матлуба САИДАЗИМОВА,**
**ЎзФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти ходими.**

## ЭЗГУЛИК СОҲИБАСИ

*Инсон умри ёрқин изларга, серташвиш дамларга, унутилмас воқеаларга бой бўлади. Жаҳонгашталару алломалар ҳам устозлар қаршисида доимо таъзим бажо этишган, улар маслаҳатлари, ўгитлари билан иш тутишган. Шарқнинг буюк донишмандлари Абу Лайсдан тортиб ибн Синогача муаллимлар қошида умрбод ҳурмат-эҳтиром сақлаганликлари аён. Зеро, юнон файласуфи Суқрот лутф этганидек, дунёда эзгулик борки, у ҳам бўлса билимдир. Муътабар устоз, заҳматкаш инсон Муборак опа Исаева ҳам ёшларга билим бериб, зиёлилар сафида катта ва мазмунли ҳаёт йўлини босиб келаётганлардан.*

*Ёшлик инсон умрининг гултожи дейишади. Бу даврда киши қалби энг юксак чўққиларни кўзлайди, орзусига эришгунча тиниб-тинчимайди. Муборак опа 1960 йилда Тошкент давлат педагогика институтининг бадиий-графика факультетини муваффақиятли тамомлагач, ўзи ўқиган факультетнинг чизмачилик ва чизма геометрия кафедрасида муаллимлик қила бошлади. Ўқиш-изланишдан эринмади. Илмий-методик мақолалар ёзиб, жамоатчиликка танилди. Шунингдек, чизмачилик ва чизма геометриядан маъруза ва амалий машғулотлар олиб бориб, сиртқи бўлимлар учун «Контрол ишлар тўпламлари»ни ҳам яратди. Айни пайтда бу китоб факультетда, мактабларда муҳим дастурламал сифатида қўлланилиб келаяпти.*

*Опанинг яхши фазилатларидан бири дарс жараёнида талабалар билан эркин баҳслаша олишидир. Шу боис бўлса керак, унинг ҳар бир дарси қизиқарли, мазмунли ўтади. Ёш муаллимларга эса доимо зарур маслаҳатлар, йўл-йўриқлар кўрсатади.*

*Муборак Исаева талабаларга пухта билим бериш билан бир қаторда таълимни такомиллаштириш, тарбиявий ишни миллийлаштиришда муаллимлар жамоасини ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка, ташаббускорлик кўрсатишга даъват этади.*

*Муборак опа жамоатчилик ишида ҳам фаол. Айни пайтда Республика таълим илмий методика маркази қошидаги тасвирий санъат ва чизмачилик секциясининг фаол аъзоси сифатида изланишлар олиб бормоқда.*

*«Чизмачилик ва чизма геометрия асослари», «Педагогик билим юртлари талабалари учун ўқув қўлланма», «Чизмачиликдан топшириқлар», «Ўрта мактаб ўқитувчилари учун қўлланма», «Чизмачилик дастури», ўрта мактабларнинг 7—8-синфларига мўлжалланган йиллик дастур ва ҳозирги кунларда «Чизмачилик дарсларини такомиллаштириш» бўйича илмий ва методик тадқиқот ишлари Муборак опанинг 35 йиллик ижодий маҳсули самарасидир.*

*Моҳир мураббий оилада меҳрибон она, ажойиб пазанда. Фарзандлари ҳам она касбининг этагини тутишган. Ўғли Шерзоджон техника университетининг физика кафедрасида лаборатория мудири, қизи Дилбархон педагогика билим юртида ўқитувчи.*

**О. УМУРЗОҚОВА,**
**ТДПИ бадиий графика факультети тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитиш услубияти кафедрасининг ўқитувчиси.**

*Замондош қиёфасига чизгилар*

## ДАРАХТ БИР ЕРДА КЎКАРАДИ

***Иброҳим Ҳикматов билан ора-чора бўлса-да учрашиб, суҳбатлашиб турамиз. «Келинг оғам, келинг, кейинги пайтларда камнамо бўлиб кетдингиз», дея қарши олади у киши одатда. Сўнгра вазмин, оҳиста гурунг бошланади. Суҳбат мавзуи эса оламшумул: охирлаб бораётган XX аср, ёшлар тарбияси, олди-сотти, тижорат асрида инсоннинг маънавий-руҳий дунёси... Кейин эса гурунг бироз лириклашади: дарахтлар, пайванд, узумлар, Термизда ўта ширин бўладиган анор, анжир, тут ва бошқалар ҳақида.***

***Ҳоли қолганда эса Иброҳим ака билан бўлган суҳбатларни бир-бир эслайман. Хаёлимда тиниқлашган парчаларни эса қоғозга тушириб қўяман...***

### БИРИНЧИ ҚАЙДЛАР

— Оғам, шогирдларимга, гапимга қулоқ тутадиган биров-ярим яқинларимга ҳам доимо такрорлаб, айтиб юраман: дарахт бир ерда кўкаради, деб. Ҳар ерни ҳам қилмагил орзу, бордир тошу тарозу, деб бекорга айтишмаган. Ҳа деб ишини, касбини ўзгартириб юрадиган одам ҳам охир-оқибат шу одатга ўрганиб қолади.

Яхши фарзанд — ота-онанинг бахти. Ёмон фарзандлар қурисин, оғам. Ота-онасига таёқ кўтарганлар, бир шиша ароқ пули сўраб онасини ўлдирганларга икки дунёда ҳам ёруғлик йўқ.

Талабаларимга айтиб юраман: болаларим, дағдағаси баланд одамда ҳеч гап йўқ. Лекин унутмангки, мевали дарахтнинг боши эгик бўлади.

Худо берган уч ўғил, уч қизим бор. Замон имкон берди: ҳаммасини ўқитдим, олий маълумот олишди. Иззатимни ҳамиша ўрнига қўйишади. Уришиш ва сўкиш билан тарбия қилиб бўлмайди одамни.

### ИККИНЧИ ҚАЙДЛАР

Раҳматли онам бизга насиҳат қиладилар: «Болаларим, зинҳор-базинҳор ёмонлик қилган одамга ёмонлик билан жавоб қилманглар. Озгина сабр қилсанглар, ёмонлик қилган одамнинг ўзи ёмонлик кўрганига гувоҳ бўласизлар. Ўша пайтларда биз бу насиҳатларни бирданига қабул қилолганимиз йўқ, албатта. Билагида кучи, юрагида шавқи тошиб турган навқирон одам бундай пайтда, шубҳасиз, ажабланиб: «Ие, қизиқ бўлди-ку, нега энди ёмонлик қилган одамга қайтариб ёмонлик қилиш керак эмас экан?» Лекин қари билганни пари билмас, деган гап бекорга айтилмаган экан. Яхши ҳам, ёмон ҳам феълига яраша, қилган ишига яраша тортар экан.

1995 йилда Термиз туманидаги Карл Маркс номли ўрта мактабда физика-математика муаллими сифатида иш бошлаган эдим. Бу орада маълум муддат Термиз туман халқ таълими бўлими мудири бўлиб ҳам ишладим. 1967 йилдан бери эса Термиз педагогика билим юрти директориман. Шунгаям ўттиз йилга яқинлашди.

Агар билсангиз, талабалар билан ишлаш кўп оғир вазифа. Айни балоғатга етган йигитлар, қизларнинг ҳар бири бир дунё. Агар шайтон ғолиблик қилса, агар индамай қўйиб берсангиз, ҳар бири қанча номаъқул ишни қилиши мумкин. Шунинг учун эҳтиёткорлик, ҳушёрлик ва вазминлик билан ишлаш керак бўлади. Шуни ҳеч қачон унутмаслик керакки, оғам, қилинган меҳнатлар, хусусан тарбия масаласида қилинган заҳматлар зое кетмайди. Мен бу гапларни ўз ҳаётимда исботини топганлигим, кўрганлигим учун айтаяпман. «Нима эксанг, шуни ўрасан», деган гап бекорга айтилмаган.

Баъзан мендан: «Иброҳим ака, худо берибди — ёшингиз олтмишдан ошиб кетди. Умрингизнинг асосий даврида вазифадор бўлиб ишладингиз. Сизнинг ҳам армонингиз борми, рўёбга чиқмаган ишларингиз борми?» деб сўрашади. Уларга айтаманки, биродарлар, менинг ҳеч бир армоним йўқ. Шунингдек, бировдан хафа ҳам, гинадор ҳам эмасман. Чунки тақдир тақозосига кўра яхши кунларни ҳам, ёмон кунларни ҳам кўрдим. Албатта, эл қатори. Ниманики кўрган ва билган бўлсам, буларнинг бари менга қимматли ва шу билан бирга унутилмас сабоқ бўлди. Аслида бундай сабоқни эса ҳеч қандай аллома ҳам беролмайди. Яшашнинг, тирикликнинг ҳақиқатини озми-кўпми англаганлигим учун ҳам армоним йўқ деб айтаман.

### УЧИНЧИ ҚАЙДЛАР

— Йўлингиз тушса, кўрарсиз: Термиз туманидаги Мангузар қишлоғида яшаймиз. Шаҳарга туташ жойда катта томорқам бор. У ерда энди йўқ дарахтнинг ўзи кам. Қирқ туп токим бор. Термизнинг иссиғида чилги узум июнь ойининг ўрталарига бориб пишади.Қолган узумлар эса то қишга қадар ишкомларда болга тўлиб ётади. Ҳосилини бир-икки рўзғор еб тамом қиладиган эмас. Шунинг учун қўни-қўшниларга, муҳтожларга, тўй-мавруд қилаётганларга челак-челак қилиб тинимсиз тарқатамиз. Бозорга чиқариб сотиш учун эса эҳтиёж йўқ. Пул, нарса-парсадан етишмовчилигимиз йўқ, худога шукур. Бу гапни шунинг учун айтаяпманки, ишдан бўш пайтларимда томорқада андармон бўламан. Дарахтнинг куртак ёзишидан тортиб, токи мева тугиши ва пишиб етилишигача бўлган жараённи кўриб-кузатиш ўта мароқли, завқли. Ақли бор одам кўп ҳикматни ана шу дарахтлардан ҳам англаши мумкин.

Хабарингиз бўлса, 1995 йилнинг 2 февралида олтмиш ёшга тўлганлигимни қариндошлар, дўст-биродарлар даврасида камтаргина тўй қилдим, тўй қилишди. Баъзи-баъзида ўйлаб ўтириб ўзим хижолатга ҳам тушаман. Нега дейсизми? Бу чол ўзи олтмишдан ошган бўлса, нафақага чиққан бўлса, уйида дам олиб ётавермайдими, етмай ётган жойи бормикин?» дея одамлар маломат қилмасмикин деб. Бориб уйда ётай десам, бир томондан ишни, ҳамкасбларим ва шогирдларимни кўзим киймайди, иккинчи томондан эса, билим юрти жамоаси юқорига хат қилиб, менинг директорликни давом эттиришимни илтимос қилишади. Хуллас, шундай гаплар...

* * *

Келинг энди, қолган гапларни биз айтайлик. Иброҳим ака ҳам тақдир тақозоси билан мукофотлар ёмғири остида қолганлардан. Гарчанд ҳозир илгари берилган мукофотлар ҳақида гап юритиш удумдан чиққан бўлса-да биз бундан хижолатга тушмаймиз. Чунки бизнинг домла мукофотларни орага одам қўйиб, сўраб, илтимос қилиб олган эмас. Ҳалол яшаб меҳнат қилган, эътиборга тушган, «кимга мукофот берамиз?» деб туришганида ёдларига Иброҳим ака келаверган. Щунинг учун бўлса керакки, домланинг ўзи ҳам олган мукофотларини эслашдан, айтишдан хижолатга тушмайди.

... Дарвоқе, мукофотлар ҳақида. Иброҳим ака 1956 йилнинг ноябрида Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети физика-математика факультети 2-босқич талабаси эди. Илми толиблар пахта теришарди. Иброҳим эса 130-250 килодан пахта терарди кунига. Шу йили пахта теришда фаол қатнашганлиги учун Иброҳим Ҳикматовни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Шароф Рашидов имзоси билан фахрий ёрлиқ билан мукофотлашади. Ўшанда домла энди йигирма бир ёшга кирган эди. Бу илк мукофот баракатли келди: домла турли йилларда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг яна тўртта ана шундай Фахрий Ёрлиқларини олишга муяссар бўлди. Ҳар бир йил мукофот бобида Иброҳим ака ҳаётида ўз изини қолдирди, десак муболаға бўлмас. У киши дастлаб Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, кейин СССР халқ маорифи аълочиси, сўнгра эса — 1992 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими» унвонига эга бўлди. Бундан ташқари у киши медаллар, вилоят ҳокимиятининг Фахрий Ёрлиқлари билан ҳам тақдирланганлар.

* * *

... Иброҳим Ҳикматовни танийсизми? Биз эса сизга у кишини таништирмоқ учун айрим тафсилот, далилларигина келтирдик, холос. Аслида яхши одам ҳақидаги гаплар ҳеч тугамайди...

**Маҳмуд АБУЛФАЙЗ.**
**Сурхондарё вилояти.**



***Омон Мухтор — таниқли адиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. Кўплаб шеърлар, ҳикоялар, қиссалар ҳамда «Йиллар шамоли», «Эгилган бош», «Минг бир қиёфа», «Кўзгу олдидаги одам», «Тепаликдаги хароба» романлари муаллифи. Омон ака «Маърифат» ўқувчиларига меҳр билан янги бир шеърий гулдастани тақдим этаяптилар.***

## ЯҚИНЛАШАЁТГАН ТАСВИР

**I**

**Шарҳи йўқ кўнглимда бу дамнинг,**
**Фақат бор ҳаётнинг озори:**
**Қаршимда — сиз гўзал оламнинг**
**Тўкилмай-асранган оҳори.**

**Қаршимда — сиз ажиб бир тасвир,**
**Суринган тарихлар қаъридан.**
**Эркинлик, эркалик қандайдир,—**
**Топилган насибам баридан.**

**Билмайман, керакдир нетмоқлик,**
**Истардим, албатта, билмоқни:**
**Қайларга бош олиб кетмоқлик,**
**Қайлардан бош тутиб келмоқни.**

**Мен ўзни унутдим анча йил,**
**Мен қўрқдим севмоқдан. Эҳтирос**
**Йўл очди бехосдан. Келди зил, —**
**Гўёки ҳаётдан илтимос.**

**Бу — мени чайқатган тўлқинлар,—**
**Судратиб, не экан муроди?!—**
**Билмайман. Бағримдан тўкилар —**
**Оламнинг севинчи ва доди...**

**2**

**Муҳаббат келгандан...**
**Ҳаёт мактаби—**
**Бир боқсанг, кўркамдир. Бир боқсанг, хароб.**
**Сизга юрагингни бермаслик каби, —**
**Сизга юрагингни бермоқлик азоб.**

**Қаршимда жонланган**
**саҳро бепоён,**
**Мени телба этган.**
**Мени банд айлар.**
**Гоҳ кўксимда рубоб янграйди шоён,**
**Гоҳ эса кўксимда инграйди найлар.**

**Тобакай бу ҳолат**
**этади давом?!**
**Балки, у мангудир?!**
**Йўқ менга нажот.**
**Сиз — менинг бўғзимда тиқилган калом,**
**Сиз — менинг кўксимда жойланган —**
**ҳаёт...**

**3**

**Бахт бўла олмас бутун,**
**Ҳаётда кўп**
**кам-кўст.**
**Лекин сиз бор. Мен учун —**
**Самимий инсон. Дўст!**

**Лекин сиз бор. Йўлимга**
**Тўшалгандек**
**ёғду.**
**Бир тиниқлик кўнглимда,**
**Сиз — ажиб бир оҳу!**

**Баъзан шундайлар**
**учрар,**
**Илон ҳам ташлар пўст.**
**Сиздек эмасдир улар —**
**Самимий инсон. Дўст!**

**4**

**Менинг руҳимдан ҳам кўпроқ**
**энди бу —**
**Сизнинг руҳингизга чулғанган хона.**
**Гўёки бир эҳром. Нимқоронғу...**
**Чироқ**
**ёниб турган ягона!**

**Мен сиздан исинмоқ истайман. Ана!**
**Чироқдан мушкулдир**
**гарчи исинмоқ.**
**Худога сиғинмоқ — буюк тантана,**
**Сизга ҳам истайман, лекин**
**сиғинмоқ...**

*******

**Мен бўлдим бахтлими, хурсандми?!—**
**Қалбингиз тургандек нақ кафтда:**
**Наҳотки, қандайдир нурланди**
**Бир соат ичида — бир ҳафта!**

**5**

**Муҳаббат— эҳтиёж.**
**Йўқ илож...**
**Нима бор гўзалроқ севишдан?!**
**Ўзингни бахтиёр сезишдан,**
**Уйғониб, кўкларда кезишдан—**
**Нима бор гўзалроқ?! —**
**Худойим...**

**Севмоқни истадим.**
**Бу доим—**
**Бўлмаскан ва лекин, насиба.**
**Сен уни буюрдинг, Худойим,**
**Ажиб бир ёрқинлик, жозиба...**
**Сизданми, куймоқда нигоҳим?!—**
**Илож йўқ...**

**6**

**Бу шундай қисматдир. Муқаррар.**
**Ёқтирдим. Шубҳасиз.**
**Юрагимга ҳукмин ўткарар —**
**Бармоқларки, нафис...**
**Менга тушларимда узалган**
**қўллар —**
**Бунчалар ҳам эрка!**
**Мен учун беркилган —**
**Эрк томон йўллар,**
**Менда—**
**йўл йўқ эркка!**

**7**

**Бу оқшом бахтлидир хиёбон,**
**Гарчи қиш. Қорайган. Тўзиган.**
**Сиз кириб бағрига, ногаҳон**
**Жонланган — гўёки, ўзидан.**

**Бу оқшом бахтлидир кўчалар,**
**Югурган, ошиққан ҳар ёққа.**
**Барчаси қопқадек очилар —**
**Интилиб, сизни бир кўрмоққа.**

**Бахтлидир чироқлар бу оқшом,**
**Ҳарҳолда, ўзгача порлаши.**
**Уларни айлаган беором!—**
**Куйдириб муҳаббат оташи...**

*Спорт*

# ИЗЛАНИШ — МАҲОРАТ КАЛИТИ



*Яқинда Юнусобод туманининг 83,117,240,259-мактаблари ўртасида «Қувноқ эстафета» спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Ёш спортчилар ҳалқа билан югуриш, уларни қисқа муддат ичида маррага аниқ етказиш ва бошқа спорт турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Ғоят қизиқарли ўтган бу учрашувда 240,117-мактабларнинг ўқувчилари алоҳида маҳорат кўрсатишиб, ғолиб бўлишди.*

*Суратларда: 1. 117-ўрта мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Рафиқ Турсунов ўқувчиларни галдаги ўйин қоидалари билан таништирмоқда. 2. Мусобақа пайти.*

**Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**

Спорт— сиҳат-саломатлик омили эканини ҳамма ҳам билади. Лекин спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароит, уни оммалаштириш учун жонкуярлик керак. Бу борада болалар спорт мактаблари зиммасига катта масъулият юкланган. Фарғона вилоятининг Бувайда туманидаги Абдулазиз Йўлчиев директорлик қилаётган болалар-ўсмирлар спорт мактабида спорт маҳоратини ошириш юзасидан яхши ишлар олиб борилаётганининг гувоҳи бўлдик. Бу ерда футбол, волейбол, юнон-рум ва фарғонача кураш, сузиш спорти ва енгил атлетика шўъбалари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, яхши спорт базасига эга бўлган масканга узлуксиз келиб турган 600 нафар бола оғир атлетика (штанга, тош кўтариш), бокс, шахмат-шашка билан шуғулланмоқда.

Эрта тонгдан оқшомгача шуғулланиш учун зарур шароитлар яратилгани спорт мактаби жамоасининг ишга сидқидиллигини кўрсатиб турибди. Бу ердаги иккита спорт зали, очиқ сув ҳавзаси, футбол ва волейбол майдонлари, ечиниб-кийиниш, ювиниш, дам олиш хоналари, меҳмонхона болалар хизматидадир.

Спорт мактаби тўгарак раҳбарлари, тажрибали тренерлар матабларда тез-тез бўлишади. Улар машғулотларни юксак савияда ташкил этишга эътибор беришади. Бунинг натижаси ўлароқ шогирдлар спортнинг барча турлари бўйича вилоят мусобақаларида етакчи ўринларни эгаллаб келишмоқда. Яқинда мактабнинг волейбол командаси Қўқон атрофидаги туманлар мактаблариаро мусобақада биринчи ўринни эгаллаб, вилоят биринчилигида қатнашиш учун финалга йўлланма олди.

Спорт мактаби жамоаси шу кунларда юнон-рум кураши бўйича аввал вилоят, кейин қардош республикалараро мусобақаларда қатнашишга тараддуд кўраётир. Шундан кейин волейбол командаси ҳам бир қатор мусобақалар ўтказишни режалаштирган.

Туман кўнгилли спорт жамияти раисининг муовини Толибжон Бойбобоев спортни ривожлантиришда мавжуд муаммоларни тилга олди. Жумладан, футбол, волейбол тўплари, миллий кураш учун спорт гиламлари топилмаётганини айтди.

Келажакка ишонч руҳи бор спорт мактаби жамоаси мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун қатъият билан ҳаракат қилаётир. Зотан, излаган имкон топар деган нақлга амал қилинса, ҳомийлар ҳам, камёб спорт анжомлари ҳам топилиб қолар.

**А. ҲАЙДАРОВ.**

*Бири кам дунё*

## ЧЎРТОННИНГ БЎСАСИ

Иваново сув омборидан етмиш сантиметрли чўртанни тутиб олган балиқчи шундай хулосага келди.

Хулоса манбаи қуйидагича. Уз ўлжасидан ҳаволаниб кетган овчи аввал қўшнилари олдида хўп мақтанди. Лекин ҳаяжони бу билан босилмади шекилли, балиқни шартта олиб, тумшуғидан чўзиб бир ўпди. Упди-ю, бирдан кўзлари олайиб, ҳаяжонидан асар ҳам қолмади. Чунки балиқнинг ўткир тишлари овчининг бурнини чанғаллаб олган эди. Сайёд балиқ ўз сайёдини дўхтирлар аралашувидан сўнггина қўйиб юборди.

## ЎЗИ МАШҲУР — СЎЗИ МАШҲУР

Машҳур ўрис бастакори Дмитрий Шостаковичнинг озарбайжон мусиқачиси Қора Қораевга ёзган мактублари Лондонда бўлиб ўтган кимошди савдосида сотилди.

Мактублар Шостакович ҳаётининг қарийбки ўттиз йиллик лаҳзаларини ўзида муҳрлаган.

Савдо жуда қизғин ўтди. Мактублар йигирма уч минг фунтга сотилди.

## ШУНДАЙ ҚИЛИБ БЎРИНИ...

Карелияда ўтган йили 173 бўри ўлдирилди. Республикада ўтказилган «Бўри тўдаси» операциясининг натижаси шундай. Унинг мақсади бўрилар сонининг кўзланган меъёрдан кескин ошиб кетишининг олдини олишдир. Утган йил бошида Карелияда кулранг ваҳшийларнинг олти юздан ошиқ вакили изғиб юргани аниқланган. Шу боис, улар деҳқон хўжаликларига ҳам тажовуз қилишяпти. Ҳатто одамга ташланиш ҳоллари юз берди.

Бўриларни тийиб қўйишимиз яхши. Лекин табиат мезонига зарар етмаса бўлди.

## ОТА-ОНАНИНГ ЎРНИ БЎЛАК

Компьютер ҳаётимизга шиддат билан кириб келяпти. Ушоқ боладан тортиб катта одамларгача бу жонли машина билан тиллашади. Ушбу жараён руҳшуносларни бош қотиришга мажбур қилди. Мана уларнинг хулосалари:

Ёш боланинг компьютерга суяниши, эртаклар оламига саёҳати унинг дунёқарашини кенгайтиради. Бу шубҳасиз. Лекин, «Тўртбурчак дунё» боланинг тахайюлини торайтириб қўйиши ҳам мумкин. Шу боис, фарзанд камолотини фақат компьютер зиммасига юкламай, ота-оналарни ҳам туртиб қўяйлик.

**Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди.**

*Бир туман янгиликлари*

## Эркатойларга «кулчатой»лар

Қонликўл тумани халқ таълими бўлимига қарашли «Ғунча» болалар боғчаси мудираси Гавҳар Ўразалиева уддабурон ташкилотчи бўлиши билан бирга моҳир пазанда сифатида ҳам ном қозонган. У боғчада табиий газ билан қиздириладиган тандир ташаббускори бўлди.

Илгари нон узоқдан ташиб келтириларди. Эндиликда боғчадаги 80 нафар эркатой бўрсилдоқ, иссиқ «кулчатой»ларни мазза қилиб ейдиган бўлишди. Сафаргул Бекмуротованинг боғча тандирида ёпаётган нонлари хуштаъмлиги билан ажралиб туради.

Айтмоқчи, барча боғчалар ўз тандирларига эга бўлишса, бозор иқтисодиёти даврига мос эмасми?!

## Лицей мақомини олди

Маълумки, янги типдаги ўқув масканлари тобора кўпайиб, халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун малакали ишчи кадрлар тайёрлашда муҳим ўрин тутмоқда.

1995—1996 ўқув йилидан бошлаб Қонликўл туманидаги 32-ҳунар-техника билим юрти лицей мақомини олди.

Бу ҳунар лицейининг директори Мақсет Утегенов, ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Мақсет Румағанбетов Тошкент Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида ўтказилган бир ҳафталик семинарда бўлиб қайтишди.

Ҳозир лицейда 253 талаба боғбон-ҳисобчи, темирчилик устаси, сув хўжалигини механизациялаштириш устаси, фермер-ижарачи, каби мутахассисликлар бўйича таълим олишяпти.

**Ғ. ЁҚУБОВ,**
**ўз мухбиримиз.**

*Бугуннинг гапи*

# БИЛИМ — КЎНГИЛ ЛИБОСИ

**(мактаб ўқувчиларининг кийиниш маданиятига доир)**

Болалик!

Инсон ёши улғайган сайин болалиги сари тобора яқинлашаверади, деганлари рост экан. Уртадаги масофа қанчалик узун тортиб бораверса, ўша беғубор йилларингни шунчалик соғинаверарkансан, киши. Баъзан адоқсиз хотираларга берилмоғинг учун нимадир турткибўларкан. Уғлимнинг биринчи синфга бориши муносабати билан барча оналар каби хурсанд бўлдим, ҳам ташвишландим. Мактаб бозорларидаги узундан-узоқ навбатларда туриб, жуда кўп ота-оналар билан суҳбатда бўлдим, уларнинг юрагидаги дардларни фаҳмладим. Шунда... Бугунги мактаб олами мен ўйлаб, тасаввур қилганимдан кўра бошқачароқ эканлигига амин бўлдим. Анча кунлар ана шу суҳбатлар таъсирида юрдим. Болалик кечинмаларим бот-бот ёдимга тушаверди. Айниқса, мактаб билан боғлиқ воқеалар...

Бир куни отам шаҳардан бир дунё харид билан қайтди. Битта қоғоз ўрамини олиб менга тутқаздилар. Очдим. Нафис гулли, пуштиранг шоҳи рўмол! «Сенга совғага олдим, қизим. Бугун туғилган кунинг» дедилар. Эртасига уни мактабга ўраб бордим. Қизлар ҳаваслаиниб, мақтай кетишди. Қўнғироқ чалинди. Узоқ қишлоқдан бизга қатнайдиган Мўмина опа дарсга кириб, биз билан саломлашди. Шунда биз қизлар муаллиманинг бошидаги рўмолга тикилиб қолдик. Худди меникидака. Гуллари нафис, пуштиранг... Негадир уялиб кетдим. Киши билмас рўмолимни олиб, папкамга солиб қўйдим. Уни қайта бошимга олмадим...

...Байрам арафаси эди шекилли. Гулниса сочларини қирққокил ўриб, яп-янги атлас кўйлак, қип-қизил ялтироқ туфли кийиб келди. Биз қизлар ундан кўзимизни узолмай қолдик. Дарс давомида ҳам унга тез-тез қараб қўярдик. Унинг ўзи ҳам худди бегона жойга меҳмонга келиб қолган кишидек тортиниб, қимтиниб ўтирарди. Синф раҳбаримиз Салима опа танаффусда ёнимизга келдилар. «Кийимларинг жуда ярашибди, муборак бўлсин, — дедилар Гулнисага қараб. — Сочларинг ҳам жуда чиройли ўрилибди. Лекин биласанми, Гулнисажон... бу ер мактаб-да, танаффусда чопасан, кўйлагингга чанг тегиши мумкин. Сочларинг эса дарсда олдингга тушавериб, сенга халақит беради. Шундай либосда тўйга борсанг-ку, қандоқ яхшия. Тағин мендан хафа бўлмагина, шунчаки айтдим-да» деб унинг елкасига аста қоқиб қўйдилар. Эртасига Гулниса мактабга биз каби одмигина кийимда келди.

Мактабда ўтган йиллар ана шу тариқа бизга ўз «сабоқ»ларини бериб борарди. Энди-энди ўйлайман. Мактаб фақат билим берадиган даргоҳгина эмас.. У инсонни ҳар томонлама тарбиялаб, вояга етказади! Демак, ҳар бир шахснинг қай йўсинда шаклланиши, камол топиши, келгусида нималарга эришувида ҳам мактаб ҳаётининг роли беқиёс. Ахир, инсоннинг келажагини унинг болаликдаги қадами, қизиқиш ва интилишлари, хатти-ҳаракати кўпроқ белгилайди-да. Шундай экан, бугунги мактаб ўқувчиси қай йўлдан бориб, нимага кўпроқ қизиқаяпти? Назаримда, мактаб ўқувчилари ўқишдан ҳам кўра пулга, кийим-кечак ва ташқи безакларга кўпроқ эътибор беришаётгандек. Аслида, ўқувчи ўқувчидек кийиниши, ҳар қандай шароитда ҳам ўз вазифасини унутмаслиги керак. Лекин бу кун ўқувчи ҳар куни мактабга «байрам либоси»да келади, ҳатто танаффусларда ҳам суҳбат мавзуи асосан кийиниш, бозордаги нархлар хусусида бўлади. Жону-дили билан билим олаётган аълочи ўқувчилар бундан мустасно, албатта. Демоқчи бўлганим, ўқувчининг кийиниш маданияти унинг маънавияти билан уйғун бўлиши, аниқроғи унинг маънавий оламига зарар етказмаслиги, фикрини чалғитмаслиги зарур. Тўлақонли билим олишда бу нарсанинг аҳамияти муҳимдир.

Эслашимча, бундан анча йиллар бурун мактаб кийимлари деярли бир хил — одми эди. Кийимга эмас, билимга кўпроқ эътибор берилларди, чамамда. Ота-онасиз қолиб, серфарзанд амакисиникида яшайдиган, мактабга ҳам амакиваччаларининг катта-кичик кийимларини кийиб келадиган Баҳодирни ҳаммамиз яхши кўрардик. У аъло ўқирди, мактабимиз фахри эди. Байрамларда бутун синф пул йиғиб унга бирор нарса совға қилардик. У қувонса, қўшилиб қувонардик. Уша йилларда мактабга тараддуд ҳам ҳозиргидек серташвиш кечмасди. Ота-оналаримиз кийим-кечак ахтариб, бозорма-бозор сарсон кезишмасди.

Шу йилги бир воқеа. Эски шаҳарда яшовчи танишим — Ҳанифа опамни кўчада учратиб қолдим. Ҳол-аҳволлашдик. «Болаларнинг мактаб кийимини бутлай деб отпуска олувдим, — деди у. — Бу йил Сардорим ҳам мактабга чиқади. Шунинг ташвишида юрибман». Кейин мендан гина қилди: «Отпускам тугаб қолмасидан бир ўтинг, чақчақлашамиз» деди. Ўқув йилига бирор ҳафта қолганида уларникига ўтдим. «Мактаб ташвиши» ҳали тугамаган экан. Уртадаги тугунда Сардорбек учун тахланган «сарупо». Носкидан тортиб бош кийимгача, ҳаммаси янги. (Ҳанифа опамнинг отпуска пулининг ҳаммаси шунга кетган бўлса керак, деб ўйладим) Бўлғуси ўқувчини табриклаган бўлдим. «Ҳм» деб бурнини тортди. «Ҳа, нега хафасан?» дедим. «Папканинг арази» деди ойиси кулиб. Билишимча, Ҳанифа опам топилганига шукр қилиб дўкондаги папкадан кўтариб келаверибди. Буни кўргач бола «менга бунақаси керакмас, яхшисидан оберасиз» деб жанжал кўтарибди. «Яхшиси қанақа экан?» дедим қизиқиб. «Ҳалиги расмлиги борку, қўлда икки юз сўм турадн, шуни айтаяпти», деди Ҳанифа опам секингина. Шунда мен, биринчи синфга онам тикиб берган латта жилдни кўтариб борганимни уларга кула-кула гапириб бердим. «Вой-вуй, жуда қадим замонда яшаган экансизку», — дея бизга қўшилиб кулди Сардорбек ҳам «араз»ни унутиб. Шушу ўртадан гина кўтарилди. Йигитчани шу папкани тутишга кўндирдик.

Болаларку, майли-я. Бошқаларга эргашадиган халқ улар. Лекин, биз катталар-чи? Нега биз болаларимизга ўз таъсиримизни ўтказолмаймиз? Акасига кичик келиб қолган, лекин ҳали кийса бўладиган оқ кўйлакни ювиб, дазмоллаб укасига кийдиришнинг наҳотки иложи йўқ. «Э, буни киймайман, эски-ку!» деб ҳарҳаша қиладиган боламизни наҳотки яхши сўз билан йўлга сололмаймиз? Биз қанақа ота-оналармиз ўзи? Боланинг кўнгли ўксимасин, деймизми? Ахир, у ҳолда бола бизнинг бу «меҳрибонлигимиз»дан доимо фойдаланиши мумкин-ку. Чет мамлакатларни олинг. Мактаб болаларининг кийимлари оддий ип матодан, ортиқча безакларсиз тикилган бўлади. Ҳатто Америкада биз севиб киядиган ялтироқ сунъий газламалар нархи бор-йўғи 2-3 доллар, биз кўпам қадрига етавермайдиган ип газламалар нархи эса 10-11 доллар тураркан.

Баъзан ўқитувчилар ҳам дарсга ясаниб келган ўқувчига ўзгача муносабатда булади. Бу «муносабат» ўз-ўзидан бошқа болаларга ҳам таъсир этади. Улар энди яхши ўқишдан ҳам кўра, яхши кийиниб келиб, ўқитувчи «назари»га тушишга интилишади. Бир мисол. Ён қўшнимнинг тўртала боласи ҳам мактабга боришади. Бари одобли, аълога ўқишади. Қўшним болаларининг кийимларини бир-бирига мослаб бераверади. Ҳеч гап йўқ, сўз йўқ. Лекин, яқинда.. «Назирам мактабдан кўзлари қизариб келди, — дейди қўшним. — Ҳа, нима бўлди?» деб сўрасам, айтмади. Сўнг ўтирди-ўтирди-да, эгнидаги кофтасини ечиб бурчакка отди. «Янгисини обермасангиз бормайман, ўша мактабингизга!» деди. Ҳеч бунақа қилиғи йўқ эди, ҳайрон бўлдим. Сўрасам, «Ҳамма яхши кийинганларни танлаб расмга туширишди, билдингизми?!» деб йиғлайди, денг. Кейин билдим, мактабига газетадан фотомухбир келибди. Уша йигит бари яхши кийинган қизларни йиғиб, учтўртта сурат олибди. Шунга ўксинган экан, қизим бечора...»

Бола кўнглидек нозик қалб йўқ. У адолатсизликка чидолмайди. Ички бир исён бўлади унда. Шу сингари воқеалар сабаб бўлиб, ҳатто ўқишдан ҳам совиб кетиши мумкин. Шуни ўйлаб хавотирланасан, киши. Аммо... Болалар боғчасидаги аҳволни кўрсанг, янада ошаверади бу хавотирларинг. Болани кийим-кечакка қизиқтириш аслида боғчаларимиздан бошланмаяптимикин, дея хаёлга толасан. Қаранг. Боғчада нима кўп, турли-туман тадбирлар кўп. Баҳор ё ёзнинг бошланиши, анъанавий байрам, туғилган кун, қўғирочоқ театрнинг ташриф буюриши, хуллас у ёки бу сабаб билан ўтказиладиган «эрталик»ларга болани, албатта, «нарядний» кийинтириб олиб бориш керак булади. Боғча опаларнинг ўзи бу ҳақда сизга тез-тез уқтириб туришади. «Майли-да, боғча боласига бор-йўғи бир қарич матодан кўйлак тикилади, нима бўпти» дерсиз. Гап бунда эмас. Гап имкониятга қараб талабнинг ошишида. Кунора қўғирчоқдек ясантирилган бола шунга ўрганади, бундан яхшироғини, янада яхшироғини кийгиси келаверади. Уч ёшли Ферузам боғчага боради. У ўзига янги кўйлак олиб беришимни менга тез-тез такрорлаб туришдан эринмайди. «Менга «капалак»ли пайпоқ, бантик, туфли, кўйлак оберасиз» дейди у. «Кечагина янги кўйлак тикиб бердим-ку» дейман. «Йўқ, — дейди у қатъий қилиб. — Униси бошқа байрамга эди, эртага бошқа байрам...»

Яна мактабга қайтсак. Ташқи либос ўқувчини чалғитади. Бола дарс давомида устидаги ранго-ранг либосини, бошқаларнинг ўзига қанчалик эътибор беришаётганини сезиб, ғурурланиб ўтиради, бора-бора у ўзига бино қўядиган булади. Қунт билан билим олишдан ҳам кўра, кеккайиб юришни афзал кўради. Ваҳоланки, болалик ўз соддалиги, билимга чанқоқлиги ва тиришқоқлиги билан гўзалдир!

Муҳтарам Президентимизнинг «Мақсадимизга эришишимиз, янги жамият қуришимиз, сиёсатда ҳам, иқтисодда ҳам, маънавият соҳасида ҳам барча ислоҳотларнинг тақдири ўсиб келаётган ёш авлодга боғлиқ», деган сўзларини эслайлик. Мустақил юртнинг келажаги ишониб топшириладиган бу кунги ўқувчи эртага жаҳонга чиқиши, жаҳонни англаши зарур. Биз турғунлик деб атайдиган йилларда мактабларда дарсларнинг умумийлиги, тарихимизнинг бир ёқлама ўрганилиши, умуман, маънавий қадриятларимизнинг қизил империя соясида қолиб кетиши жуда кўп орзуларимизни чиппакка чиқарди. Эндиликда халқнинг миллат бўлиб тикланиши, оёққа туриши учун вақтнинг ўзигина кифоя қилмайди. Жасорат ва шижоат керак! Бу хислатлар эса ўсиб келаётган ёш авлод — бу кунги ўқувчининг юрагида бўлиши зарур. Ана шу жасорату шижоат билан замонавий билимларни эгаллаш, хорижий тилларни ўрганиш, компьютер техникасини ўзлаштириш лозим булади. Бунинг учун бутун диққат ва эътиборни чуқур билим олиб, маънавиятни камол топтиришга, савия ва иқтидорни оширишга қаратиш зарур. Боликнинг олтин фаслларида олинган билим тошга ўйилган нақш каби абадий қолади. Биз ана шу имконни қўлдан бермайлик. Кийиниб-ясанмоққа, ўзимизни кўз-кўзламоққа ҳали фурсат етар, лекин бугун қалбимизга билимдан либос бичайлик. Зеро, қалбимизнинг гўзал либоси келажагимизга хўб ярашур.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.**
**журналист.**

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Чилонзор туман ҳокимияти, туман халқ таълими бўлими ва 179-мактаб жамоаси шу мактаб директори Қобул Қосимовга отаси

ҒУЛОМ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти маъмурияти, касаба уюшмаси қўмитаси ва мусиқа-педагогика факультети жамоаси Халқ чолғу асбоблари кафедрасининг ўқитувчиси М. Л. Илҳомовга онаси

Охинисо
РАҲМАТУЛЛАЕВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*

***Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.***

Бош муҳаррир ўринбосари Маҳкам РАҲМОНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Асқар Шокиров.

**ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-022. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.**

**1 2 3 4 5 6**